ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ-ОЛИЙ БАХТ

OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

3 февраль, сешанба 1998 йил №13 (515)

Сешанба , пайшанба ва шанба кунлари чиқади

УШБУ СОНДА:

НИЯТ ЯХШИ-Ю, АММО...
2-БЕТДА

СОХТА ТАДБИРКОР— АМАЛДА НОЧОР
3-БЕТДА

КОИНОТ СИРЛАРИ МАФТУНИ
4-БЕТДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг

ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовни «Амир Темур» ордени билан мукофотлаш тўғрисида

Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарор қилади:

Узбекистон давлатчилигини барпо этиш ва жаҳон ҳамжамиятида миллатимиз обрусини юксалтириш, фуқаролар тинчлиги ва умуммиллий тотувликни мустаҳкамлаш, маданий қадриятларни асраб қолиш ва ривожлантириш борасидаги буюк хизматлари учун ҳамда туғилган кунига олтмиш йил тўлиши муносабати билан Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов «Амир Темур» ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ

Тошкент шаҳри,
1997 йил 26 декабрь.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийларига

Муҳтарам Президент жаноблари,

Табаррук олтмиш ёшингиз билан муборакбод этаман. Доимо ривожланишда бўлган Япония-Узбекистон муносабатлари янада мустаҳкамланишига чин диллан умид қиламан ҳамда бунинг учун Сиз жаноби олийлари билан биргаликда бор кучимни сарфлайман. Сиз жаноби олийларига мустаҳкам сиҳат-саломатлик ва ўта масъулиятли фаолиятингизда бундан буён ҳам муваффақиятлар тилайман.

Камоли эҳтиром ила,

Рютаро ХАСИМОТО,
Япония Бош вазири

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийларига

Муҳтарам Президент жаноблари!

Таваллудингизнинг 60 йиллиги билан чин қалбдан табриклайман. Сизга мустаҳкам сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ҳамда узбек халқи фаровонлиги йўлидаги масъулиятли фаолиятингизда муваффақиятлар тилайман.

1995 йил апрел ойида Узбекистонга буюрган ташрифимни, шунингдек, 1995 йил ноябр ойида Штутгарт ва Бонндаги учрашувларимиз, суҳбатларимизни, шу билан бирга, ҳам янги, ҳам қадимий Узбекистон узининг салобатли меъморий ёдгорликлари билан менда ийгоҳан таассуротларни мамнуният билан эслайман. Сиз мамлакатингизни қудратли ижодий куч-қувват ва катта ғайрат билан мустақиллик ва ислоҳотлар йўлидан бошлаб бормоқдасиз.

Сиз узингизнинг янги китобингизда қайд этганингиздек, Узбекистон XXI аср бусағасида янада улкан масалаларни ҳал этиши керак. Мамлакатингиз учун муҳим бўлган бу масалаларнинг муваффақиятли ечимида Сизга катта куч-ғайрат тилайман.

Роман ХЕРЦОГ,
Германия Федератив Республикаси Президенти

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Таваллудингизнинг олтмиш йиллиги муносабати билан самимий табрикларимни қабул этгайсиз.

Сизнинг мамлакатларимиз ҳамда қардошликнинг асрий анъаналари билан узаро боғланган халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга қўшган шахсий ҳиссангиз Россияда юксак қадрланади.

Тарихнинг узи Россия билан Узбекистонга қўлни қўлга берган ҳолда, тўб миллий манфаатларга мос умумий мақсадларга эришишда ҳамкорлик қилишни белгилаб берган.

Сизга, муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, чин қалбдан сиҳат-саломатлик, бардамлик, Узбекистон халқи фаровонлиги, Марказий Осиёда тинчлик, барқарорлик ва тараққиёт йўлидаги масъулиятли фаолиятингизда муваффақиятлар тилайман.

Камоли эҳтиром ила,

Борис ЕЛЬЦИН,
Россия Федерациясси Президенти

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийларига

60 йиллик юбилейингиз муносабати билан самимий табрик сузларим ва энг эзгу тилакларимни қабул этгайсиз.

Сизга суверен Узбекистоннинг биринчи Президенти бўлишдек юксак шараф ва улкан масъулият насиб этган. Узбек халқи мамлакат тараққиётининг бурилиш даврида ўз йўлбошчисини тўғри танлагани бугунги кунда барчага аён бўлиб турибди.

Сизнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислоҳотни амалга оширишдаги йўлингизга амал қилган Узбекистон ўз тараққиётида улкан ютуқларга эришди. Мамлакатингиз жаҳон ҳамжамиятининг тўлақонли аъзоси сифатида янги асрга ишонч билан қадам қўймоқда.

Қозоғистонликлар Сизни мамлакатимизнинг содиқ дўсти сифатида эъзозлашади. Сизнинг фаол иштирокингиз туфайли давлатларимиз ўртасидаги анъанавий ҳамкорлик, қардошлик, узаро ёрдам муносабатлари йилдан йилга мустаҳкамланиб бормоқда. Бу муносабатлар мангу дўстлик ҳақидаги мислсиз Шартномада ўз аксини топган. Бундай мустаҳкам узаро алоқалар қозоқ ва узбек халқларининг орзу-умидларига тўла мос келади.

Сизнинг ажойиб ишчанлик ва инсоний фазилатларингизни, ўртамизда вужудга келган дўстона муносабатларни мен беҳад қадрлайман. Ишончим комилки, халқларимиз маънавий яқдилликни, аждодларимиздан бизга мерос қолган барча бебаҳо қадриятларни янада мустаҳкамлаб, бир-бирига елкадош бўлиб бундан буён ҳам олга қадам ташлайверади.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, Сизга чин юракдан сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва бардамлик, Узбекистон фаровонлиги йўлидаги фаолиятингизга янги муваффақиятлар тилайман.

Камоли эҳтиром ила,

Нурсултон НАЗАРБОЕВ,
Қозоғистон Республикаси Президенти

* * *

Шунингдек, буюк давлат ва сиёсат арбоби, юртбошимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов таваллудининг муборак 60 йиллиги муносабати билан жаҳоннинг турли қитъалари, мамлакатлари раҳбарларидан кўплаб табрик телеграммалари келиб турибди.

Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига Ийд - ал-Фитр-Рамазон ҳайити муносабати билан ҳам кўплаб кутловлар ҳам олинди. Уларнинг ҳаммаси келажаги буюк давлат бўлган Узбекистонимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва мақоми тўхтовсиз ошиб бораётганлиги рамзидир.

«ИЖОДКОР»НИНГ ЁРДАМИ БИЛАН

Бозор муносабатларига ўтиш шароитининг вақтинчалик қийинчиликлари оқибатида кўп жойларда ҳаммомлар тўхтаб қолаётганлиги сир эмас. Наманган туман ҳокимлиги ана шу муаммони ечишни бош масалалардан бири, деб ҳисобламоқда. Бу вазифа хўжалик ва қишлоқ фуқаролар раҳбарлари зиммасига юкланмоқда. Жумладан, Ирвахон қишлоғидаги ана шундай маиший хизмат тармоғи таъмирланиб, фаолиятини қайтадан бошлади. «Ижодкор» агрофирмаси томонидан ажратилган 100 минг сум маблағ туфайли қисқа вақт ичида 2 та номерли, 3 та умумий хоналар ва бинонинг ташқи томонлари жорий ремонтдан чиқарилди. Шунингдек, мижозлар учун бошқа зарур шароитлар ҳам муҳайё этилди.

О.ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» мухбири.

Сирдарё вилоятининг Бахт шаҳрида ташкил этилган «Бахтсельмаш» Ўзбекистон-Белоруссия- Россия қўшма корхонаси қишлоқ хўжалик техникаси ва унинг эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқаришга йўналтирилган. Ҳозирги кунда бу ерда плуглар учун анжомлар тайёрланмоқда. Куни - кеча йиғув цехидан 10-мингинчи механизм чиқарилди.

Суратда: ишчи М.Абишев. **В.Тўраев (ЎзА) олган сурат.**

Ечимини кутаётган муаммолар

САМАРАЛИ МЕХАНИЗМ ЯРАТАЙЛИК

ёки хусусийлаштирилган корхоналарни қўллаб-қувватлаш ҳақида

Узбекистонда иқтисодий ислоҳотлар ўтказиш жараёнида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тамойили юртбошимиз И.Каримов эълон қилган асосий тамойиллардан биридир. Бу тамойил Президент фармонларида ва ҳукумат қарорларида қонунчилик йўли билан мустаҳкамлаб қўйилган.

Ҳар бир инсон ўзининг ижодий қобилиятларини очиши, ижтимоий боқимандачиликдан қутилиши, товарлар ишлаб чиқариш ва хизмат курсатиш соҳасида фаол қатнашиши, шу билан бирга айни бир пайтда ўзининг турмуш даражасини кўтариши ҳамда мулкдорлик мақомига эга бўлиши учун қулай имкониятлар яратиб бериш бугунги кунда аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг амалдаги тизимининг устивор йўналиши бўлиб ҳисобланади. Ҳозирги босқичда ижтимоий сиёсат соҳасида мулкдорнинг, нодавлат секторда банд бўлган кишиларнинг, аҳолининг ижтимоий ҳимоялланмаган қисми, айниқса ишсиз қолган ёки қисман банд бўлган шахслар (тўла иш кунида ёки ҳафтасида ишламаётган, мажбурий меҳнат таътилида бўлганларнинг ижтимоий кафолатланганлигини таъминлаш каби янги муаммоларга эътибор қаратишни тақозо этмоқда.

Мулкдор билан ёлланма ишловчи ўртасида зиддиятлар вужудга келиши мумкин бўлган хусусий корхоналарда ижтимоий кафолатланиш борасида айниқса кўп муаммолар юзага чиқади. Утказилаётган иқтисодий ўзгаришлар, бу йўналишда қилинган дастлабки ишлар ислоҳотларнинг ижтимоий йўналтирилганлик концепциясини ишлаб чиқаришда анча камчиликлар борлигини ошкор қилиб қўймоқда. Бу айниқса қишлоқ ҳаётида кўпроқ кузга кўринаяпти.

Уй-жой-коммунал хизмати корхоналарини хусусийлаштириш жараёни давом этаётганлиги кўпчиликка маълум. Лекин шуниси қизиққи, ҳозирги вақтда турли вилоят ва шаҳарларда бу соҳада белгиланган нарх ва тарифлар ўртасида катта фарқ бўлганлигидан бу ҳолат пировард натижада кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояланмаган фуқароларга салбий таъсир кўрсатмоқда. Электр ва газ қимматлашгани туфайли хусусийлаштирилган ҳаммомлар умумий сонинг 25 фоиздан кўпроғи ишламаяпти. Ишлаётганларига эса одамлар жуда кам кираяптилар. Чунки ҳаммомга кириш нархи жуда қимматлашиб кетган. Шунинг оқибатида янги мулкдорлар хусусийлаштирилган ҳаммомлар биноларининг анча қисмини дўконлар, устахоналар, дорихоналар, омборхоналар, ёрдамчи биноларга мослаштириб қайта жиҳозламоқдалар. Афсуски, ҳаммомларнинг иш фаолияти ҳақидаги маълумотлар статистика ҳисоботларида келтирилмаяпти.

Шунинг учун биз қуйидаги таклифларни киритамиз:

Келгусида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида уй-жой-коммунал хизмат соҳасида амалиётга киритилаётган тариф (нарх)лар ошкора қилиниб турилиши ва тарифларнинг ўзгартирилиши бир йилда икки мартадан ошмаса:

лифт хўжалигидан фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақ бюджет сарф-харажатлари ҳисобига киритилса, 1993 йилга қадар хусусийлаштирилгандан кейинги уй-жой фондини таъмирлаш бўйича ўтказилажак дастлабки, юмушлар давлат ҳисобидан бажарилса.

Меҳнат муносабатлари ва фуқароларнинг ижтимоий кафолатлари соҳасида амалда бўлган қонунларнинг сузсиз бажарилишининг таъминланиши муаммосига эътиборни қаратиш лозим. Чунки энг кам маош, бандлик, меҳнат хавфсизлиги ҳақидаги ва

(Давоми 2-бетда)

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

2 феврал куни Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Америка Қўшма Штатларидаги «Кейс» корпорацияси директорлар кенгашининг раиси Жан-Пьер Россо бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонларни диёримизга ташрифи билан қутлар экан, узбекистонлик машинасозларнинг қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Кейс» корпорацияси билан ўзаро ҳамкорлик алоқалари қувонарли даражада ривож топиб бораётганини айтди.

- Корпорациянгиз билан алоқаларимиз ўрнатилганига кўп вақт ўтмаган бўлса-да, Узбекистон қишлоқ хўжалигида «Кейс» муваффақият билан ўз ўрнини топиб бораётир, - деди Ислом Каримов. - Мамлакатимиз далаларида ишлатилаётган «Кейс» русумли трактор, комбайн ва бошқа қишлоқ хўжалиги техникаси йил сайин кўпаймоқда. Энг муҳими, «Кейс» машиналари деҳқонларимизнинг юқори баҳосига сазовор бўлаётир.

Учрашувда «Кейс» корпорацияси билан ҳамкорлик муносабатларини янада кенгайтириш, хусусан, биргаликда ташкил этилган қўшма корхоналар фаолиятини такомиллаштириш борасидаги масалалар муҳокама қилинди.

Қабул маросимида Узбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси В.Норов, Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки бошқаруви раиси Р.Азимов, «Узқишлоқхўжаликмаш-холдинг» компанияси раиси Р.Матжонов иштирок этди.

/ЎзА/.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

ҚАРОРИ

Республика «Оила» илмий-амалий марказини ташкил этиш тўғрисида Жамият тараққиётида, маънавий баркамол ва жисмонан соғлом авлодни тарбиялашда оиланинг ўрни муҳим эканлигини ҳисобга олиб, оилага тааллуқли бой ва сермазмун миллий анъаналарни авайлаб-асраш, уларни умумбашарий қадриятлар билан уйғунлаштириш, оила ва никоҳнинг мустаҳкамлигини ёш авлод онгига чуқур сингдириш йўли билан оилаларнинг мустаҳкамлигини таъминлаш, оила аъзоларининг ҳуқуқий саводхонликларини ошириш муаммоларини илмий ўрганишни ва фуқароларга бу масалаларда амалий ёрдам беришни мувофиқлаштириш мақсадида, 1998 йилнинг Республика Президенти томонидан «Оила йили» деб эълон қилиниши муносабати билан Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Узбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси ҳузурида Республика «Оила» илмий-амалий маркази ташкил этилсин. Республика «Оила» илмий-амалий маркази Тошкент давлат университети ва Тошкент давлат педагогика институтидаги оила муаммоларини ўрганиш лабораториялари негизида ташкил қилиниши белгилаб қўйилсин.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Халқ таълими вазирлиги «Оила» илмий-амалий марказига кўрсатилган лабораториялар бўйича штатлар сони ва иш ҳақи фонди, шунингдек жиҳозларини балансдан балансга ўтказсинлар.

2. Республика «Оила» илмий-амалий марказининг Низоми ва тузилмаси тасдиқлансин. Марказ директори Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланиши белгилаб қўйилсин.

3. Узбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Аллия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Фанлар академияси, Фан ва техника давлат қўмитаси, «Соғлом авлод учун» жамғармаси, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» жамғармаси, «Экосан» жамғармаси, Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, Республика Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг Республика «Оила» илмий-амалий маркази фаолиятида иштирок этиши ҳақидаги таклифлари маъқуллансин.

Иштирокчилар Кенгашининг таркиби тасдиқлансин.

4. Қуйидагилар Республика «Оила» илмий-амалий маркази фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

оила ва жамият, оила ва маҳалла муносабатлари билан боғлиқ бой миллий анъаналар, сермазмун миллий қадриятларнинг илдизларини, аждодларимиз меросини ўрганиш ва оммалаштириш;

миллий оилавий тарбияда умуминсоний қадриятларнинг ўрнини юксалтириш ва унинг оилада уйғунлашувини таъминлаш;

оиланинг педагогик, психологик, ижтимоий-психологик, этно-педагогик, этно-психологик муаммоларини ўрганиш ҳамда ривожланиш истиқболлари бўйича таклиф ва тавсиялар тайёрлаш;

оиланинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати, демографик хусусиятларини илмий асосда тадқиқ этиш;

оила, аёл ва болаларнинг ижтимоий-иқтисодий мавқеини акс эттирувчи статистик ахборотларни тўплаш ва умумлаштириш;

оилани режалаштиришни, унинг саломатлигининг тиббий- биологик асосларини илмий-амалий тадқиқ этиш, услубий тавсиялар ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга кенг тадбиқ этиш;

ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашни яхшилаш мақсадида никоҳ уйлари ва саломатлик марказлари ҳузурида махсус ўқув-тарбиявий курсларни ташкил этиш;

оиланинг ҳуқуқий саводхонлигини тубдан яхшилаш ва ҳиоялаш бўйича илмий-амалий фаолият кўрсатиш;

оилада боланинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳимоя қилиниши, соғлом ўсиши, мактабга тайёрланишида ота-оналарнинг фаолиятларини такомиллаштириш ҳамда масъулиятларини ошириш юзасидан ўқув-услубий тавсиялар ишлаб чиқиш;

ёш авлодда маънавият, маданият, маърифатни янада юксалтириш орқали оилада баркамол авлодни тарбиялашнинг энг самарали, мақбул усулларини излаш ва ишлаб чиқиш;

оила ва жамият муаммоларига ва уларнинг ечимига оид ўқув-услубий қўлланма, илмий-оммабоп рисолалар яратиш;

1998 йилнинг «Оила йили» деб эълон қилиниши муносабати билан белгиланган тадбирлар дастурининг бажарилиши мониторингини олиб бориш;

оила ва жамият муаммолари соҳасида халқаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш.

5. Вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

Марказга оила муаммоларини ўрганиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини амалга оширишда ҳамда ўз фаолияти учун зарур ахборотларни олишда кўмаклашсинлар;

Марказга оила манфаатларига йўналтирилган дастурларни бажаришда ҳар томонлама ёрдам кўрсатсинлар.

6. Узбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси 1998 йилда ва кейинги йилларда «Оила» илмий-амалий марказининг илмий изланишлари мавзуларини Давлат илмий-техникавий дастурлари таркибида режалаштирсин.

Марказнинг ўз илмий-амалий дастурларини жойларда шартнома асосида амалга ошириши белгилаб қўйилсин.

7. Узбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва Узбекистон хорижий давлатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгаши:

«Оила» илмий-амалий марказининг оила ва жамият муаммолари соҳасида фаолият кўрсатаётган хорижий ва халқаро ташкилотлар билан амалий алоқалар ўрнатишига кўмаклашсинлар;

«Оила» илмий-амалий марказини халқаро ташкилотлар ва чет давлатлардаги оила муаммоларига оид ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ахборотлар билан доимий равишда таъминласинлар.

8. «Оила» илмий-амалий маркази Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинадиган қонунлар ва қарорлар, Узбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, вазирликлар ҳамда идораларнинг меъёрий ва йўриқнома ҳужжатлари мажбурий тартибда тарқатиладиган ташкилотлар рўйхатига киритилсин.

9. «Оила» илмий-амалий маркази ходимларига республика илмий-тадқиқот институтлари ва уларга тенглаштирилган ташкилотлар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш учун ўрнатилган ягона тариф сеткаси ва меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари бўйича белгиланган разрядлар жорий этилсин.

10. Узбекистон Республикаси Молия вазирлиги тақдим этилган ҳисоб-китобларга биноан Марказ фаолиятини ташкил этиш, керакли жиҳозлар ва компьютер техникаси харид қилиш учун зарур маблағ ажратсин.

11. Узбекистон Республикаси Почта ва телекоммуникациялар агентлиги Марказни зарур алоқа воситалари, шу жумладан ҳукумат алоқаси билан таъминласин.

12. «Тошшаҳарйўловчитранс» уюшмаси Марказга хизмат кўрсатиш учун енгил автомобиль, Узбекистон Республикаси Молия вазирлиги унинг харажатлари учун зарур бўлган лимит ажратсинлар.

13. Узбекистон Телерадиокомпанияси, Узбекистон Миллий ахборот агентлиги, оммавий ахборот воситалари Марказ фаолиятини мунтазам ёритиб борсинлар, оила ва жамиятнинг долзарб масалаларига бағишланган эшиттириш ва кўрсатувлар дастурларини ушбу қарорга асосланган ҳолда қайта кўриб чиқсинлар.

14. Тошкент шаҳар ҳокимлиги бир ой муддатда «Оила» илмий-амалий марказига Фурқат кўчасидаги 1-уйдан жой ажратсин ва уни таъмирлаш масалаларини ҳал қилсин.

15. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Узбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Д.Ғуломова зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1998 йил 2 февраль.

«Тошкент» республика қимматли қоғозлар биржасида

Шу биржада бўлиб ўтган оддий акциялар савдосида 19 та ҳиссадор жамиятлар қатнашди. Улар ўзларининг 35,2 мингта акцияларини сотиб, 27,9 миллион сўмлик маблагга эга бўлдилар.Савдо жараёнида Тошкент шаҳар «Алоқа инвест» ҳиссадор жамияти юқори самарадорликка эга бўлиб,-14,4 миллион сўмлик акцияларини сотишга эришдилар. Шуни ҳам қайд қилиш керакки, 28 та брокерлик идоралари ҳам яхши фаолият кўрсатдилар. Йил бошида эса 48 та ҳиссадор жамиятлари 76,6 миллион сўмлик акцияларини сотдилар. Умуман, савдо натижалари қониқарли бўлмоқда.

ЕТТИ ИҚЛИМ НАФАСИ

Швейцариянинг Давос шаҳрида Жаҳон иқтисодий анжумани бўлиб ўтди. Анъанавий тарзда ҳар йил ўтказиладиган бу анжуманда бутун дунё мамлакатларининг ўзаро иқтисодий ва молиявий ҳамкорлик алоқалари муҳокама этилди.

***

Буюк Британия қироличаси Елизавета Иккинчи ҳамда АҚШ Президенти Билл Клинтон Биринчи жаҳон уруши тугаганининг 80 йиллик тантаналарида иштирок этиш истагини билдирдилар. Бу тантаналар шу йилнинг 11 август куни Франция пойтахти Парижда бўлиб ўтади.

***

Бразилиядаги Фазовий тадқиқотлар миллий институтидан хабар беришларича, мамлакатнинг Амазония минтақасидаги 26 минг квадрат мамлакатининг майдонига тенг келади. Институт шу қадар катта майдондаги ўрмонзорнинг йўқолиб кетганини сунъий йўлдош ёрдамида олинган фотосурат орқали аниқлади. Маълум бўлишича, ўрмонзорнинг кескин камайишига ёнғинлар ва одамларнинг дарахт кечишга бўлган иштиёқи сабаб бўлган.

***

Рим Папаси Иоанн Павел Иккинчи ўзининг Кубага қилган сафари бу мамлакатда демократик ўзгаришларга сабаб бўлади, деб умид қилмоқда. У Ватиканда бўлган жамоатчилик вакиллари билан учрашув чоғида ўзининг бундан 19 йил олдин Польшага қилган ташрифини эслади. Рим Папасининг айнан ўша ташрифи Польшада катта демократик ўзгаришлар юзага келишига сабаб бўлганди. Иоанн Павел Иккинчи Кубага қилинган ташриф ҳам шундай ижобий натижалар беради деб ҳисобламоқда.

***

Японияннинг собиқ ҳарбий арбоби, япон халқининг қаҳрамонига айланган Мотоиши Годо Наганодаги қишки Олимпиада ўйинларини очиш шарафига сазовор бўлди. 69 ёшли Годо кўҳна Зенко-дзи ибодатхонасининг қўнғироғини чалиб, Нагано олимпиадаси бошланганидан бутун дунёга хабар беради.

***

Исроил ҳукумати бундан 30 йил олдин бедарак йўқолган сувости кемасининг топилишига ёрдам берадиган ҳар қандай хабар келтирган кишига бир неча юз минг доллар мукофот беришини маълум қилди. Исроил томонидан Буюк Британиядан сотиб олинган «Даккар» сувости кемаси 1968 йили Крит ороли яқинида ғойиб бўлган эди. Кемада тўққиз кишидан иборат экипаж бор эди. Бедарак йўқолган кема хизматчиларининг қариндош-уруғлари бугунги кунда уларнинг ҳеч бўлмаса жасадларини топиш ниятидалар. Шунинг учун ҳам сувости кемасининг топилиши учун катта мукофот пули ваъда қилинмоқда.

Жаҳон ахборот агентликлари хабарлари асосида.

САМАРАЛИ МЕХАНИЗМ ЯРАТАЙЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда)

бошқа меъёрий ҳужжатлар мулкчилик шаклидан қатъий-назар барча хўжалик субъектларига, шу жумладан хориж капитали қўшилган қўшма корхоналарга тегишли бўлиш билан бирга мажбурий ҳамдир. Жамоа шартномалари ва битимларига ёлланма ишчиларнинг фойдадан улуш олиш шартлари ва улушнинг миқдори аниқ кўрсатилиши кераклигини мақсадга мувофиқ ва зарур деб ҳисоблаймиз. Бундан иш берувчи ҳам манфаатдордир, айни бир пайтда меҳнат жамоасининг ҳар бир аъзоси ўз корхонаси, фирмасининг муваффақиятли иш олиб боришидан, юксак пировард натижаларга эришишидан кўп наф ҳам топади.

Ҳамма ерда, барча корхоналарда хавфсизлик техникасига ва зарур меҳнат шароитига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш керак. Мослаштирилмаган, шароити ёмон, бахтсиз ҳодисалар юз бериш хавфи кучли, ишловчилар соғлиғига зарар келтириладиган биноларда ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва ривожлантириш ҳоллари, кам бўлса-да, барибир учраб турибди. Шунинг учун бундай салбий ҳолатларга тўла-тўкис барҳам бериш лозим. Меҳнат шароитининг хавфсизлиги устидан назоратни нафақат давлат ва касаба уюшмалари, балки тадбиркорлик тузилмалари ҳам амалга оширишлари, бу тузилмалар тегишли назоратчиларига эга бўлишлари керак.

Корхоналарнинг мулки ўзгарганида, улар хусусийлаштирилганида, касод (банкротлик)га учраганида меҳнат жамоалари ва уларнинг ҳар бир аъзосининг манфаатларини аниқ ҳимоя қилиниши тўғрисида битимлар тузилиши тақозо этилади. Ҳар бир конкрет ҳолатда акциялар тўпламининг одилона тақсимланишига, меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилишга етарли миқдорда маблағ бўлишига эришиш зарур.

Ижтимоий инфратузилмани сақлаб қолиш ва ривожлантириш муаммоларига умумий ёндошувни ишлаб чиқишимиз керак. Бунда сўз болалар боғчалари, профилакторийлар, дам олиш зоналари, ёзги дам олиш масканлари, ошхоналар, тиббиёт муассасалари ҳақида бормоқда. Аввалги йилларда эришилган муваффақиятларимизни қандай қилиб бўлса-да сақлаб қолиш ва кўпайтириш одамларнинг ижтимоий ҳимояланганлигига, жамиятда тинчлик ва тотувлик сақланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Хусусийлаштирилгандан кейинги корхоналарни қўллаб қувватлаш механизми самарадорлигини ошириш мақсадида Узбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда менежментнинг замонавий усуллари, янги технологиялар ва қўшимча инвестициялар жорий этишни, компаниялар бошқарувчилари институтини яратишни кўзловчи ҳужжатлар мажмуини ишлаб чиқмоқдалар. Қайтадан тузилган, ўзгартирилган корхоналар мулкдаги давлат улушини самарали бошқарув бўйича чора-тадбирлар белгиланяпти.

Аммо шуни тан олиш керакки, хусусийлаштирилган корхоналарни қўллаб-қувватлашга бир қанча омиллар тўғоноқ бўлмоқда. Булар қуйидагилардир;

қишлоқда иқтисодий муносабатларни ислоҳ қилиш ва хўжалик юритишнинг илғор шаклларини мустаҳкамлаш бўйича ишларнинг хўжакўрсинга ташкил этилганлиги, бу вазифани ҳал қилиш учун мулкий пайларни жорий этиш асосида қишлоқ хўжалик корхоналарини ўзгартириш бўйича олиб борилаётган тажриба (эксперимент)лар қатнашчилари сонини кўпайтириш ва бу экспериментга республиканинг ҳар бир туманидан камида битта ҳўжаликни жалб этиш тақозо қилинади;

кичик ва хусусий корхоналар тузишга, саноат, транспорт, қурилиш, хизмат кўрсатиш ва бошқа соҳаларни шакллантириш ҳисобига уларнинг тармоғини, кенгайтиришга эътиборнинг сустлиги;

қишлоқ инфратузилмасининг ривожланмаганлиги ҳосил етиштиришни кўпайтиришга ва ҳосилнинг қарийб ярмини сотиб тарқатишга тўсқинлик қилаётир. Қишлоқ хўжалигида навларга ажратиб берувчи, тупроқ шўрини ювадиган, тез айнийдиган маҳсулотни қуритувчи, консерваловчи ва қадоқловчи техника йўқ, омборхоналар, айниқса совутгичлари бўлганлари жуда кам, маҳсулотни ташийдиган транспорт етишмайди. Қишлоқ жойларда ишлаб чиқариш инфратузилмасини шакллантириш учун ўн минглаб хусусий ва кичик корхоналар ташкил этиш керак бўлади;

хусусийлаштириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича давлат ва минтақавий дастурларда кўзда тутилган тадбирларни амалга оширишда узлуксизлик, тартиб-интизом етишмаслиги;

кичик ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланаётган кишиларнинг моддий-техника ресурсларини сотиб ола олмасликлари, шунингдек улар нархининг анча баландлиги ишлаб чиқаришни ноилождан тўхтатишга ва товарлар ҳамда хизматлар бозорида рақобатнинг чекланишига олиб келмоқда;

ресурсларнинг бир қисмининг муайян идоралар орқали фондлар, лимитлар бўйича сотилишининг сақланиб қолиши тадбиркорликни уларга муте қилиб қўймоқда ва бу монополиялаштиришга қарши қонунчилик талабларига зид келади;

кичик ва ўрта бизнес билан шуғулланаётган шахсларнинг молиявий таъминоти (кредитлар, нақд пуллар бериш) масаласидаги чеклашлар, банк операциялари ва кредит олишларни расмийлаштириш ишларининг мураккаблиги жиддий норозиликларга сабаб бўлмоқда ва уларни такомиллаштириш тақозо этилмоқда;

тадбиркорга нисбатан қўлланиладиган солиқ солиш тизимининг номукаммаллиги (масалан, товар сотилмасдан аввал, олиб чиқиб кетилаётганда солинадиган солиқ), шунингдек, амалдаги божхона ўлпонлари тизими, лицензиялар ва бошқа ҳужжатларни расмийлаштириш ишларининг, товарларни олиб келиш ва олиб чиқиб кетиш пайтида божхонадаги текширув жараёнининг мураккаблиги кичик ва ўрта тадбиркорликнинг ривожланишига жиддий тўғаноқ бўлмоқда.

Амалдаги солиқ солиш тизими янгидан ташкил этилиб, ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланаётган корхоналар учун кўпгина имтиёзлар берган, лекин умуман олганда мазкур тизимда анча мураккабликлар бор. Мураккаблиги — солиқлар ва мажбурий тўловлар сонининг кўплигида, солиқларни ҳисоб-китоб қилиш ва уларни тўлаш тартибидадир.

Назорат қилувчи органларнинг тадбиркорлар ҳақ-ҳуқуқларини бузиш ҳоллари ҳамон учраб турибди. Илғор технологик ускуналар, кичик механизация воситалари, кичик ва хусусий бизнесга хизмат қилувчи ахборот ва бошқа хизматлар бозори ҳанузгача шаклланмаган. Бу ҳол кичик, ўрта ва хусусий корхоналар маҳоратларининг ташқи бозорга чиқишига тўсқинлик қилмоқда.

Мулкдорларнинг ўз мулкларига эгалик қилишлари бобида кафолатларни етарли даражада аниқ таъминлаб берувчи таъсирчан, самарали механизм ишлаб чиқилмаган, натижада маҳаллий ҳукуматнинг тадбиркорлар мулкига нисбатан узбошимчалик билан қарор қабул қилиш ҳоллари учраб турибди (шаҳарни қайта қуриш жараёнида тадбиркорлар янгидан тикланган дўконлар қурилишига ёки эски биноларни мослаштиришга сарфланган маблағларни қайтариб бермасдан уларни бузиб ташлаш ҳодисаларига дуч келмоқдамиз).

Республикада тадбиркорликни ривожлантириш учун дурустгина қонунчилик ва ташкилий база яратилган бўлишига қарамай, иқтисодий тусдаги бир қанча омиллар қишлоқда ишбилармонликни кучайтиришга тўғаноқ бўлаяпти. Қишлоқ жойларда янгидан ташкил этилаётган хусусий ва кичик корхоналарга мунтазам ташкилий-услубий ёрдам бериш яхши йўлга қўйилмаган. Тадбиркорлар бухгалтерлик ва бошқа муҳосиблик ҳисоботларини тузишда услубий тусдаги катта қийинчиликларга дуч келишмоқда. Шунингдек, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя этишда хўжалик юритиш муаммоларини яхши таҳлил қила оладиган малакали ҳуқуқшунослар етишмаслиги ҳам сезилаяпти.

Хулоса шуки, кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш, унга хизмат кўрсатиш учун зарур бўлган қонунчилик-меъёрий база ва инфратузилма яратиш бўйича катта ишлар қилинганлигига қарамай бу соҳада жиддий тузатилиши ва ечилиши лозим бўлган камчиликлар, нуқсонлар ҳамда муаммолар ҳамон мавжудлигидан кўз юмиб бўлмайди. Уларнинг бартараф этилиши республикада тадбиркорликни янада ривожлантиришга, хусусийлаштирилган корхоналарни иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя этишга хизмат қилган буларди. Тадбиркорликни ривожлантириш, уларни шунингдек, хусусийлаштирилган корхоналарни қўллаб-қувватлаш бўйича самарали механизмни яратиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидандир.

Бахтиёр ЭРКАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси давлат мулк қўмитаси ҳузуридаги Бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш илмий-тадқиқот институти директори, иқтисод фанлари доктори, профессор.

Касаба уюшма янгиликлари

Марокли саёҳат

Тошкент туманидаги Абдураҳмонов номли жамоа хўжалигида меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш масалаларига катта аҳамият берилмоқда. Далачиликда, фермада ва хўжаликнинг бошқа бўлинмаларида меҳнат мусобақалари ташкил этилган. Жамоа хўжалиги аъзоларининг самарали меҳнат қилишлари учун ишлаб чиқариш маиший шароитларини яхшилашга эътибор кучайтирилмоқда.

Яқинда ишлаб чиқариш илғорларидан 100 киши Туркистоннинг зиёратгоҳ жойларига олиб борилди. Хўжалик аъзолари икки кун давомида ҳордиқ чиқариш билан бирга Сайрам, Астон деган жойларда бўлишди. Аҳмад Яссавийнинг қабрини зиёрат қилишди.

- Меҳнатқашлар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоялаш, уларни соғломлаштириш ва ҳордиғини ташкил этиш, -деди Абдураҳмонов номли жамоа хўжалиги касаба уюшма қўмитасининг раиси Аҳмаджон Юсупов,-бизда анъанага айланиб қолган. Бундан кейин ҳам бу каби тадбирларни амалга ошириб бораверамиз.

Хўжаликда оила йили муносабати билан ҳам меҳнаткашлар ва уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоялаш юзасидан тадбирлар белгиланди. Касаба уюшма қўмитаси уларни амалга оширмоқда.

Б. СОЛИХОВ.

Бозор тизими

ТАЛАБ ВА МАСЪУЛИЯТ

Жиззах вилояти очиқ турдаги товар-хом ашё биржаси акциядорлик жамиятининг раиси Илҳом Маматқулов билан суҳбат.

Бозор муносабатларини ҳаракатлантирувчи, хусусан улгуржи бозорни ҳаракатга келтирувчи товар-хом ашё биржаларининг ҳозирги шароитда аҳамияти катта. Кейинги пайтда Жиззах вилояти очиқ турдаги товар-хом ашё биржаси фаолиятида кескин бурилиш ясалди.

- Дарҳақиқат бозор муносабатлари ҳар соҳада тадбиркорлик ва ишбилармонликни тақозо этади. Ҳозир мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ҳар қандай бозор шароитида рақобатлаша оладиган маҳсулотлар-товарлар ишлаб чиқараётган давлат ва нодавлат корхоналари, хусусий тадбиркорлар сафи жуда кенгайиб кетди. Улар ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларни нафақат вилоятимиз, мамлакатимиз бозорларида, балки чет элларда сотишга эҳтиёж сезмоқда ва ҳамкорлар излашмоқда. Биржамизнинг асосий мақсади керакли маҳсулот ва товарларни излаб топишда ва сотишда корхоналарга ёрдам беришдир. Мижозларнинг истак ва ҳоҳишига кўра уларга керакли маҳсулот ва хом ашё топиб берамиз. Бунинг учун биржа савдолари ва ярмаркалари ўтказамиз. Шу маънода биржамиз товар ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ўртасида восита қўприги вазифасини ўтайди.

Урни келганда шуни айтиш керакки, ишлаб чиқарувчи ўз маҳсулотларини истеъмолчига етказиб беришда бир қанча қийинчиликларга дуч келади. Хусусан, ҳужжатлар расмийлаштириш, солиқлар тўлаш ва ҳоказолар. Бизга мурожаат қилган тадбиркорлар эса маҳсулотини сотиш жараёнида ана шу қийинчиликлардан халос этиладилар. Биз уларнинг истаги бўйича ишлаб чиқарган маҳсулотлари ички ва ташқи бозорларда ўз ўрнини топиши ва сотилишига кўмаклашамиз.

Бугунги тезкор, шиддатли давр улгуржи бозор олдига ҳам қатор талаб ва муаммоларни қўймоқда. Ана шундай шароитда фақат изланиш ва ички имкониятларни ишга солиш ҳисобига муваффақиятларни мустаҳкамлаш мумкин. Биржамиз эришган ютуқларнинг сири битта — у ҳам бўлса изланиш ва яна изланишдир. Буни рақамлар ҳам кўрсатиб турибди. 1997 йилнинг январ-сентябр ойларида жами 193,0 миллион сўмлик маҳсулот сотишга эришилди. Ёки ўтган олти ойда 847 фоиз ўсишга эришдик.

- Сизнинг биржангиз ёрдамида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар чет элларга ҳам сотилмоқдами? Биржа вилоятнинг экспорт имкониятларини оширишга қандай ҳисса қўшаётир.

- Шуни алоҳида қайд этиш керакки, бугунги кунда вилоятимиз тадбиркорлари томонидан ишлаб чиқарилаётган саноат ва бошқа маҳсулотлар ўзининг сифати билан ҳар қандай рақобатга бардош бера олади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари эса ўзининг сифати билан алоҳида ажралиб туради. Хусусан, турли трикотаж кийимкечаклар, жун маҳсулотлари, махсус уст-бошлар, томат пастаси ва бошқалар ана шундай харидоргир товарлар сирасига киради. Бундай товарларни сотиб олиш учун АҚШ, Ҳиндистон, Эрон, Бирлашган Араб Амирликлари, Россия, Белоруссия, Латвия, Қозоғистон каби мамлакатлар билан шартномалар тузилган. Бу товарларнинг барчаси валютага сотилади. Бу билан биз вилоятимизнинг экспорт қўламини кўтаришга кўмаклашмоқдамиз.

- Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1997 йил 14 августда «Давлат эҳтиёжлари учун асосий озиқ-овқат турларини харид қилиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» қарор қабул қилган эди. Ана шу қарорга амалий жавоб тариқасида биржа нималар қилмоқда?

- Ҳаммамизга аёнки, давлат эҳтиёжлари учун айрим озиқ-овқат маҳсулотлари валюта ҳисобига четдан келтирилар эди. Ҳолбуки, ана шундай маҳсулотларни етиштириш ва сотишни йўлга қўйиш имкониятлари мамлакатимизда мавжуд. Юқоридаги қарор ана шу имкониятларни ишга солишга ўзига хос даъват бўлди. Биз бу қарорни ижро этиш учун вилоятимизда биринчи марта давлат эҳтиёжи учун асосий озиқ-овқат молларини харид қилиш бўйича биржа ва ярмарка савдоси ўтказдик. «Жиззахулгуржибиржасавдо» акционерлик компанияси билан ҳамкорликда ўтказган бу биржа ва ярмарка савдосига вилоятимиз шаҳар ва туманлари билан бир қаторда мамлакатимизнинг бошқа вилоятларидан ҳам вакиллар иштирок этишди.

Бу тадбирда вилоятимиздаги барча озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхоналар иштироқ этдилар. Асосий истеъмолчилар мудофаа бошқармаси, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот ва халқ таълими бошқармаси раҳбарлари қатнашдилар. Мазкур биржа ва ярмарка савдосига 330 миллион сўмлик маҳсулот тақдим этилди. Жумладан, 84 миллион сўмлик гўшт, 16 миллион сўмлик колбаса маҳсулотлари, 68 миллион сўмлик сут маҳсулотлари, 120 миллион сўмлик картошка ва сабзавот маҳсулотлари, 40 миллион сўмлик консерва маҳсулотлари ва бошқа асосий маҳсулотлар шулар сирасидандир. Ярмаркада жами 42291491 сўмлик 20 та шартнома маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасида тузилди.

Бунда асосий эътибор давлат эҳтиёжи учун озиқ-овқат моллари, харид қилишга қаратилди. Жумладан, халқ таълими бошқармаси бўйича 11 та, соғлиқни сақлаш бошқармаси бўйича 66 та, ижтимоий таъминот бошқармаси бўйича 3 та шартнома тузилди.

Бугунги иқтисодий ислоҳотлар жараёнини товар-хом ашё биржалари фаолиятисиз тасаввур этиш мумкин эмаслигини ҳаёт тасдиқламоқда. Шунинг учун ҳам Жиззах вилоят Товар-хом ашё биржаси мамлакатимиз миқёсидаги улгуржи бозорда ўз ўрни ва мавқеини топишга дадил ҳаракат қилмоқда.

Суҳбатдош: Абдусаттор СОДИҚОВ,
Жиззах вилояти.

ДАШТОБОД МАҲСУЛОТИ ЖАҲОН БОЗОРИДА

Бугунги кунда Даштобод пахта заводи ўз маҳсулотларини Австрия, Швейцария, АҚШ, Нидерландия, Россия, Италия, Кипр каби йирик саноат мамлакатларига сотмоқда. Бундан бор-йўғи икки йил аввал бу корхона Жиззах вилоятида иқтисодий қолоқ корхоналардан бири эди. Бунга асосий сабаб хомашёнинг етишмаслиги эди. 1996 йилдан бошлаб Зомин тумани пахтакорлари ишида самарадорлик юз бера бошлади. Утган йили завод туман пахтакорларидан 15 минг 622 тонна пахта қабул қилиб олди. Бу эса завод цехларининг тўла қувват билан ишлашини таъминлади.

Заводнинг мўътадил иш режасига чиқиб олишида ҳиссадорликка ўтишнинг самараси беқиёсдир. Шунингдек, муваффақиятларда раҳбарлар алмашинувининг ҳам ўз ўрни бор, албатта. Утган йилнинг сентябрь ойидан мазкур ҳиссадорлик жамиятини ўз ишини пухта билувчи, уста мутахассис, 28 йиллик шу соҳанинг иш тажрибасига эга бўлган Муҳиддин Оққулов бошқара бошлади.

Бугун ҳиссадорлар дивидендлар олиш билан бир қаторда турли хил ободончилик, қурилиш ишларига ҳам маблағ ажратишга муяссар бўлмоқдалар. Корхонада ошхона, тиббий пункт, сартарошхона ва бошқа шу каби маданий-маиший хизмат турлари мавжуд. Бу ерда ташкил этилган корхона ичидаги кичик корхона махсус иш кийимлари ишлаб чиқариб, қўшимча даромад келтирмоқда.

Тўғри, ҳали корхонада меҳнаткашларни ижтимоий-ҳимоялаш ишлари кўнгилдагидек эмас. Лекин Даштобод пахта заводида эришилаётган меҳнат ютуқлари бу камчиликларни бугун- эрта бартараф этилишидан дарак беради.

Суратда: тайёр маҳсулотларни жойлаштириш пайти.

В.ТЎРАЕВ,
(ЎзА) олган сурат.

Солиқда нима гаплар?

ҲЕЧ КИМ НАЗОРАТДАН ЧЕТДА ҚОЛМАЙДИ

(ёки ҳудудий солиқ назоратчиларининг янги масъулиятлари ҳақида)

Бозор муносабатлари механизми ишга тушганига кўп бўлди. Бу жараёнда иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг янги ҳуқуқий меъёр ва йўналишлари қонун билан белгилаб берилаётир. Худди шунингдек, солиқ сиёсатида ҳам жисмоний ва ҳуқуқий шахсларни солиққа тортиш бўйича янгидан-янги ҳуқуқий меъёрлар ўрнатилаётирки, бу ҳуқуқ ва мажбуриятларни билмаслик, улардан тўлиқ хабардор бўлмаслик, аксарият ҳолларда аҳолимизнинг турли англашилмовчиликлар билан тўқнашувига сабаб бўлаётир. Шундай қилиб, эътиборингизга яна бир янгилик ҳавола этилаётир.

Узбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ мамлакат солиқ идораларида солиқ назорати участкачилари — ҳудудий назоратчиларнинг институти ташкил этилаётир. Солиқ назорати бўйича ҳудудлар, шунингдек, ҳудудий назоратчилар миқдори Вазирлар Маҳкамаси томонидан ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатлар асосида белгиланади.

Ҳудудий солиқ назоратчилари (участковойлар) ўзларига бириктирилган ҳудудларда жисмоний шахслар- солиқ тўловлар рўйхатини тузади, уларнинг мулк солиғи, ер солиғи, транспорт эгалари транспорт солиғини тўлаб бориши сўрғатини текширади, бундан ташқари тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахсларнинг ўзига тегишли бўлган солиқларини қай даражада тўлаётганларини назоратга олади.

Шу кунларда ҳудудий солиқ назоратчиси зиммасига юклатиладиган асосий вазифалар рўйхат-ҳужжатининг устида иш олиб борилаётир. Умумий олиб қараганда, ҳар бир ҳудудий назоратчи ўз ҳудудидаги солиқ тўловчи корхоналарнинг аниқ манзилгоҳи, телефони, унинг раҳбари ва бош ҳисобчисининг исм-шарифларини тўлиқ билиши талаб этилади. Мабодо муайян бир ҳудуд манзилида жойлашганига қарамай, узга туманнинг солиқ назорати идорасидан рўйхатдан ўтган фирмалар аниқланғудай бўлса, ҳудудий солиқ назоратчиси чора кўриш учун улар тўғрисидаги ахборотни фирма рўйхатдан ўтган манзилдаги Солиқ назорати идорасига топширади. Бинобарин, сўнгги вақтда солиқ идораларини хабардор қилмаган ҳолда ўзларининг юридик манзилгоҳларини ўзгартириб олаётган ҳўжалик юритувчи субъектлар сони камаяётгани йўқ. Ҳудудий солиқ назоратчиларининг бош вазифаси эса ана шу зайлда солиқ идорасининг назаридан тушиб қолишни ният қилган ҳўжаликларни фош этишдир.

Дарвоқе, яна бир ҳолат. Уй ва турар жойларни ижарага бераётган, автобекат ёки транспорт хизмати кўрсатувчи шаҳобчалар ташкил қилаётган ёхуд савдо қилиш мақсади билан хонадонида қўй ва паррандаларни етиштираётган аксарият фуқаролар ўзларига даромад келтираётган тадбиркорлик фаолиятларини ҳеч қаерда қайд этмайдилар. Эндиликда эса ҳудудий солиқ назоратчиси ўз «қарамоғида»ги савдо шаҳобчалари, омборхона иншоотларининг товар ва бошқа маҳсулотларни олди-берди қилиш жараёнини қаттиқ назорат остига оладилар. Бу ишда улар маҳалла қўмитаси, ҳудудий милиция назоратчиси, уй-жой эксплуатация ташкилотлари билан узвий алоқалар боғлашади. Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ ҳудудий солиқ назоратчиси институтини тузиш ишида маҳаллий ҳокимиятлар яқиндан кўмак беради. Уларни хоналар билан таъминлайди. Махсус хоналар ажратилиб, барча технологик жиҳозлар ўрнатилиб бўлингач, идорада навбатчилик асосидаги меҳнат ташкил этилади. Фуқаролар маслаҳат ва йўл-йўриқ олиш учун ўзларига қулай бўлган вақтда-хоҳ ишдан сўнг, хоҳ дам олиш куплари бемалол бу даргоҳга ташриф буюришлари мумкин бўлади. Хусусан фуқароларда мулк солиғи, ер солиғини тўлаш учун хоҳлаган вақтларида квитанция олиш имконияти туғилади. Буларнинг ҳаммаси оддий солиқ тўловчиларнинг ишончини қозониш, иш жараёнини ошкоралик асосида ташкил этишни белгилайди.

В.ДРУБИЧ.

Жиззах шаҳридаги ногиронлар жамияти қошида очилган «Бахтиёр-Шаҳбоз» ишлаб чиқариш фирмаси ҳар куни 18 соатдан телекўрсатувлар олиб бормоқда.

Суратда: (чапдан) оператор Зафаржон Элмуродов, муҳаррир Бекпўлат Тоғаевлар.

Хусусий секторда

ҚИШНИНГ БИР КУНИДАН ҚЎРҚ...

Оилавий чорвадорлик фирмалари учун қиш мавсуми алоҳида юмушлар билан бой бўлади. Каттақўрғон туманида хусусий тадбиркорлик билан шуғулланаётган чорвадор Зиёдулла Мустафоевнинг фермасида ҳозир юз бошга яқин сигир ва қорамоллар боқилади. Уларнинг парваришини қилиш, вақтида ем-хашак билан таъминлаш учун З.Мустафоев дагал ем, керакли концентрат озуқаларини кўз фаслидаёқ ғамлаб олган эди. Шу туфайли фермани ортиқча қийинчиликсиз сақлаб туришнинг имкони яратилган.

Ҳозирги вақтда фермада кунига 320-350 литр сут етиштирилиб, у аввалдан шартнома асосида ишлаётган истеъмолчилар-сутни қайта ишлаш корхоналари, тадбиркорлар қўлига узлуксиз етказиб берилаётир.

Тадбиркор фермерга узоқ йиллар давомида жамоа хўжалигининг фермасида ишлаб, чорвачилик ҳадисини олганлиги айни вақтда қўл келаётир. Уша даврларда қорамолларни парваришлаш қилиш учун навбатчилик асосидаги фаолият юритилганини назарда тутиб, З.Мустафоев ҳам фермада ишни шу тарзда ташкил этди. Жониворларнинг қаровсиз қолмаслиги оилавий чорвадорларнинг асосий фаолият шиорига айланган.

Хусусий корхона самарали бошқарилаётганлиги туфайли унинг рентабеллиги ошиб, маҳсулотига талабгор харидорлар сони кўпайиб бормоқда.

Р.БОБОМУРОДОВ
Самарқанд вилояти.

НИЯТ ЯХШИ-Ю, АММО...

Узбекистон рамзи тушириллган энг замонавий «Боинг-767», А-310, «RJ-85» каби самолётлар саҳнида кўрсатилаётган хизмат савиясига турли мамлакатлар фуқаролари қойил қолишмоқда. Авиакомпания раҳбариятининг саъй-ҳаркатлари натижасида бу борадаги ишларни янада яхшироқ йўлга қўйиш имкониятлари излаб топилмоқда. Шу жумладан, рекламага алоҳида эътибор берилмоқда.

Утган йили 2500 йиллиги кенг нишонланган Бухоро ва Хива тасвирланган чиқаётган, тақвимлар, медаллар, бошқа эсдалик совғаларини, мамлакатимизга таклиф қилувчи миллий авиакомпаниямиз рамзи тушириллган гўзал ва бежирим плакатларни кўриб кўз қувонади.

Юқоридагилардан ташқари авиакомпания рамзи билан турли ёзув — чизув товарлари тайёрланиб, реклама сифатида нафақат мамлакатимиз, балки хорижда ҳам тарқатилади. Ҳалқаро миқёсда таомилга айланган мана шу тадбирни амалга оширишда авиация рекламаси билан шуғулланаётган мутасаддиларимиз бепарволикка йўл қўйишгани ачинарли.

Ёзув дафтарини қўлга оламиз. «Узбекистон ҳаво йўллари»: мустақиллик қанотларида олти йил» деб номланган мукаддима ўзбекона «Хуш келибсиз!» ибораси билан бошланганини ўқиб, ўз-ўзидан қалбингиз ифтихор ҳиссига тўла бошлайди. Бироқ, мана шу саҳифадаги миллий авиакомпаниямиз хусусида мухтасар мақола ва келгуси кўш саҳифадан жой олган дунё харитаси ва МАК ваколатхоналари ҳақидаги маълумотлардан кейин ажабланарли ҳолга дуч келасиз.

Йил ойларининг қайси кунида христианларнинг қандай байрами нишонланиши, бир қатор давлатларда (рўйхатдан Узбекистон урин олмаганига беихтиёр эътибор берасиз) нишонланадиган халқаро байрамлар, шу жумладан танланган давлатларнинг нима учун айнан шу давлатлар танланган?!) миллий байрамларининг жадвали, Европадаги йирик шаҳарлар орасидаги масофа, соат минтақалари орасидаги фарқни кўрсатувчи харита ва жадвал, Европадаги давлатлар ва асосий аэропортлар ҳақида маълумотлар, халқаро ва миллий ўлчов стандартлари, Россия Федерацияси (?!) минтақалари бўйича автомобилларнинг номерлари ҳақида маълумот каби куплаб ахборот берилган.

Жадваллар билан танишгач, бир қатор саволлар ўзўзидан пайдо бўла бошлайди: Нима учун байрамлар ҳақидаги маълумотларда мустақил Узбекистон давлатида нишонланадиган байрамлар умуман тилга олинмаган? Бизнинг миллий байрамларимиз бошқалардан сир сақланиши керакми? Нима учун, айтайлик, Тошкент билан Марказий Осиё давлатларидаги йирик шаҳарлар орасидаги масофа кўрсатилмаган? Соат минтақалари жадвалидан ҳам Марказий Осиё давлатлари, ҳеч бўлмаганда мамлакатимиз пойтахти Тошкент ўрин олиши мумкин эдими? Ёки буни бирор бир ташкилот таъқиқлаб қўйганмиди? Европа мамлакатлари ҳақида қисқача маълумотлар жадвали берилгани ҳолда, бизнинг республикамиз ҳақида бундай маълумотлар умуман келтирилмаганига сабаб нима? «Узбекистон ҳаво йўллари» номидан чиқарилган ёзув дафтарида нима учун фақат Россия автомашиналарининг номерлари келтирилиши зарур бўлиб қолди? Авиакомпаниямиз Европанинг ўзигагина қатновлар бажариш билан чекланмай, Осиёнинг кўплаб ривожланган мамлакатлари (Хитой, Корея, БАА, Малайзия ва бошқалар)га ҳам мунтазам қатнов бажариши, демак, шу жойларда ваколатхоналаримиз фаолият кўрсатиши жараёнида реклама билан ҳам шуғулланиши нима учун эътибордан четда қолдирилган?

Юқоридаги каби маълумотлар миллий авиакомпаниямиз томонидан чиқарилган ёзув ён дафтарчасидан ҳам ўрин олган. Ҳаттоки, бу дафтарчада аввалгисидан ҳам антиқа ҳолга дуч келасиз. «Энг зарур телефонлар рўйхати» нима учундир фақат Москва телефонлари рақамларини эътиборингизга ҳавола қилади ва Москва вокзаллари, аэропортларидан ташқари шаҳар думаси, ҳукумати, Россия пойтахти маъмурий округлари, авария хизматлари, яна кўплаб бошқа ташкилотлари телефонларини мунтазам ёдда тутишингизга кўмаклашади-ю, Узбекистон, Тошкент шаҳридаги шу каби телефонлар ҳақида «ломмим» демайди. 1996 йилда чиқарилган ёзув дафтарчасида Тошкентдаги асосий телефонларгина эмас, балки бир қатор давлатларнинг пойтахтимиздаги элчихоналари ҳақида ҳам маълумот берилган эди-ку.

Биз кўтарган саволларга баҳона-ю сабаблардан анчамунчасини жавоб тарзида келтириш мумкин, албатта. Назаримизда, россияликлар тайёрлаган маҳсулотлар бизнинг муқовамиз ичига жойдаб қўя қолинганга ўхшайди. Узини ортиқча ўринтирмай, ишни «дундириш» оқибатида мана шундай вазият вужудга келган. Чет элликлар биз ҳақимизда қандай хулоса чиқарар экан. Қулишингни ҳам, қуйишингни ҳам билмайсан.

Ҳар қандай вазиятда ҳам, лоқайдлик эви билан бўлиши, мутасадди ходимлар ўзига топширилган ишга масъулият билан ёндашиши зарурлигига «Узбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси раҳбарияти эътибор беради, деб ишонамиз.

Маҳаммаджон РАҲМОНОВ.

Ҳуқуқий маслаҳат

СОХТА ТАДБИРКОР– АМАЛДА НОЧОР

Қашқадарё вилоят Чироқчи туман прокуратураси ходимлари томонидан умумий назорат тартибида ўтказилган текширишлар натижасида иқтисодиёт келажагини таъминловчи, тадбиркорлик ва ишбилармонлик ниқоби остида ўз манфаатини ўйлаб, сохталик билан иш юритиб келаётганлар аниқланди.

Расулжон Шодиёров Чироқчи туман агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси раиси вазифасида ишлаб келади. У 1996 йилнинг бошида хўжалик ва корхоналардан, 2-фоизли ижтимоий суғурта фондидан бир миллион сўмликдан ортиқ вексель йиғди, бу векселларни ўз вақтида вилоят агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмасига топширмасдан, бойлик ортириш мақсадида 435 минг сўмлик векселларни уюшмага кирим-чиқим қилмай 1996 йил 22 январда «Касабачи» ишлаб чиқариш фирмасини ташкил қилган. Фирмага қариндоши Қудрат Муминовни бош ҳисобчи, Зокир Бозоровни ҳайдовчи қилиб тайинлади. Лекин улар фаолият юритмасдан Р.Шодиёровнинг ўзи «тадбиркорлик» билан шуғулланган.

Уюшмадан ўзлаштирган 435 минг сўмлик векселни ўзи «ихтиро» этган фирма ҳисобига ўтказган.

Р.Шодиёров 435 минг сўмлик векселдан 325 минг сўмини қариндоши, «Сардор» хусусий фирмаси бошлиғи К.Муминовга 20 фоиз фойдаси билан қурилиш материаллари олиш ҳақида қалбаки шартномага асосан бериб юборган. Фирма «бошлиғи» Р.Шодиёров 25 минг сўмлик векселни 1996 йил 14 июнда қишлоқ меҳнаткашларига малакали тиббий ёрдам кўрсатиш ва дала шийпонларини дори-дармон билан таъминлаш мақсадида туман марказий шифохонасига «ҳадя қилган».

Марказий шифохонада эса бу векселга тиббиёт ходимлари кунида сервиз чойнак, пиёлалар олиб, энг илғор ходимларига мукофот тарзда тарқатилган.

5 минг сўмлик векселга Қарши туманидаги «Насаф» бирлашмасидан қовун, тарвуз уруғлари олинган. Бу уруғлар қаерга кетганини Р.Шодиёровнинг ўзи билади. 75 минг сўмлик векселларни ишлатиш муддати ўтказиб юборилиб, бу векселлар «Пахтабанк»ка ўтказилган. 5 минг сўмлик векселни Р.Шодиёров «қаерга қўйганини билмасдан изламоқда».

«Касабачи» фирмаси низомига асосан барча турдаги товарларни бозор конюнктурасига асосан шартнома бўйича харид, улгуржи, чакана нархда сотиб олиб ва Республикада савдони тартибга солувчи қонунлар асосида сотишдан, турли хилдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш, хўжалик ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш ва сотишдан иборат бўлиши керак эди.

Фирманинг бирон бир биноси ёки ҳужжатлари сақланадиган сейфи ҳам бўлмаган.

«Сардор» хусусий фирмасининг бошлиғи К.Муминов 325 минг сўмлик векселдан 50 минг сўмини ўзига ўзлаштириб юборган, қолган векселларга Ғузор дон маҳсулотлари қабул қилиш ҳиссадорлик жамиятидан пиёз олиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 11 апрелдаги «Экспорт-импорт операцияларини тартибга келтириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармон талабларини бузган ҳолда, бу пиёзларни Россия Федерациясидаги Нижний Тагил шаҳридаги «Дары природы» фирмасига юбориб, ўрнига ҳеч қандай маҳсулот олмаган.

«Сардор» фирмасининг ҳам биноси ёки ҳужжатларни сақлайдиган сейфлари бўлмаган. Туман прокуратураси томонидан ушбу фактлар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Ж.К.нинг 167-моддаси 3-қисми «б»,»в» бандлари билан жиноий иш қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Қиғир ишнинг қийиғи қирқ йилда ҳам чиқади, деганларидек, Чироқчи туманида яна бир жиноятчининг қилмиши фош этилди.

Н.Боқиева ҳам Тошкент Фармацевтика институтига қачонлардир ўқишга кирган, лекин институтни ўддалай олмаган ва ўқишни ташлаб кетган. 1989 йилда ушбу институтни тамомлаганлиги ҳақидаги дипломни «сотиб олиб», «Нурбек-Д» савдо фирмаси очган, унда дори-дармонлар олиб сотиш билан шуғулланиб келган.

Фирманинг маълум адреси ва биноси йўқ, дори-дармонларни сақлаш учун шароит яратилмаган, ҳужжатлари сақланадиган махсус мослама ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Яқинда қалбаки дипломдан фойдаланиб келганлиги учун туман прокуратураси томонидан Н.Боқиева устидан жиноий иш қўзғатилди.

Бундан ташқари, Н.Боқиева Чироқчи тумани Давлат солиқ инспекцияси, ходимлари томонидан савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини бузганлиги учун ҳам бир неча бор огоҳлантирилган.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш вазирлигининг лицензиясисиз дори-дармон сотиш билан шуғулланиб келган Н.Боқиева Ўзбекистон республикаси Ж.К.нинг 228-моддаси 3-қисми, 189 - моддаси 1-қисми, 190-моддаси 1-қисми билан айбли деб топилди.

Тоштемир САИДОВ,
Чироқчи туман прокурори.

Меҳнат жамоаси ва ҳуқуқшунос- маслаҳатчи

(мулоҳаза)

Меҳнат жамоаларида, айниқса, маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарда ҳуқуқшунос маслаҳатчининг бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Аммо улар ҳозир нимага жавоб беради, деган ҳақли савол туғилади. Айтиш мумкинки, ҳозирча улар бизда ҳеч нарсага жавоб беришмайди. Яширишга ҳожат йўқ. Ўнлаб корхона ва хўжаликларда бундай лавозимлар жорий қилинмаган. Борларининг ҳам аксариятида ўрта махсус маълумотли ёки соҳага бутунлай алоқаси бўлмаган кишилар ишлашади. Айримлар бундай вазифаларга илгари ҳуқуқ идораларида ўз ишини эплай олмай кетган шахсларни номигагина ўтказиб қўйишган. Шу боисдан корхона ва хўжаликлар ҳуқуқий баҳсларда, хусусан хўжалик судларида ўзларини оқлай олмай оворалар. Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 2 мартдаги қарорида юридик хизмат лавозимларини фақат олий юридик маълумотли шахслар эгаллаши, юрист-маслаҳатчи бўлиб ишлаши мумкинлиги айтиб ўтилган. Унда таъкидланишича, «раҳбарларга имзоланиши учун тақдим қилинаётган буйруқлар ва бошқа ҳуқуқий мазмундаги ҳужжатлар лойиҳаларининг қонунчиликка мувофиқлиги учун юридик маслаҳатчи жавобгардир».

Минг афсуски, ҳар доим ҳам шундай бўлавермайди. Фикримни бир мисол билан исботламоқчиман. Нарпай тумани ҳокимининг 1996 йил 2 октябр 343-»қ» рақамли «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги фанлари Академияси мевачилик ва боғдорчилик илмий ишлаб чиқариш барлашмаси, Самарқанд филиали Нарпай туман бўлимининг Низомини рўйхатга олиш ҳақида»ги қарори амалдаги қонунлар талабларига зид ҳолда қабул қилинганлиги туфайли у вилоят ҳокимлиги адлия бошқармаси тақдимномасига асосан, туман ҳокимининг қарори билан бекор қилинди. Туман ҳокимлиги юрист-маслаҳатчиси Шарипов, корхоналарни рўйхатга олиш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи Т.Ғофуровга йўл қўйган хатолари кўрсатиб ўтилди.

Ғузалкент туман ҳокимининг 1997 йил 10 февралдаги 46-»қ» рақамли қарори билан Ўзбекистон ёнғинга қарши жамиятининг туман бўлими ғайриқонуний равишда давлат рўйхатига олинган. Аслида ушбу жамият жамоат бирлашмаси бўлиб, вилоят ҳокимлигининг адлия бошқармасидан рўйхатдан ўтиши керак эди.

Ҳар йили судлов ва прокуратура органлари ҳамда касаба уюшмалари қарорлари ва тақдимномаларига кўра юздан зиёд ишчи-хизматчилар ўз вазифаларидан ғайриқонуний равишда бўшатилганлиги аниқланиб, улар хизмат вазифаларига тикланадилар. Вилоят прокуратурасидан олинган маълумотга кўра, биргина ўтган йили корхона ҳамда идора ва муассасалар томонидан қабул қилинган 356 та ғайриқонуний меёрий ҳужжатлар бекор қилинган.Демакки, бу жамоаларда юрист-маслаҳатчилар ўз ишларига масъулият билан қарашмаган ёки малакалари етишмаган, бундан ҳам шу штатдаги одам ҳуқуқшуносликдан мутлоқ бехабардир.

Кўпчиликнинг фикрини ҳисобга олган ҳолда бир нарсани таъкидламоқчиман. Корхона ва хўжаликлардаги юрист-маслаҳатчилар фаолиятини доимий назоратга олиш, улар билан мунтазам равишда тажриба алмашишлар ва семинарлар ўтказиб туриш лозим. Ўз навбатида уларнинг хизмат вазифаларига нисбатан масъулиятини талаблар даражасига кўтариш зарур.

Йўлдош СУЮНОВ,
Самарқанд вилоят адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари, биринчи даражали юрист.

Мирзабек Ёқубов СамДУнинг ҳуқуқшунослик факультетини тугатган. Жиззах тумани прокурор ёрдамчиси бўлиб ишлаган. Ҳозирги пайтда шу ерда терговчи бўлиб ишлаяпти.

Суратда: М.Ёқубов.

Н.АЛМУРОДОВ олган сурат.

ЁҒФУРУШЛАРНИНГ ҚИНҒИРЛИКЛАРИ

Тан олинг. Сурхон воҳасида энг катта қувват билан ишлайдиган ўсимлик ёғи ишлаб чиқарадиган завод бўлса-да, баъзан элдошларим бу маҳсулотни дўконлар пештахталаридан «микроскоп» орқали қидиришса ҳам топиша олмайди. Бироқ... Воҳамиздаги мавжуд 77 та деҳқон ва тижорат бозорларига кирар бўлсангиз, у ерда ҳар литри 200-210 сўмдан истаганингизча ёғ топилади. Бу «ёғфуруш»ларнинг ёғ заводи бўлиши у ёқда турсин, мой жувози ҳам йўқ. Демак... завод аҳоли талаби даражасида ўсимлик ёғи ишлаб чиқарар экан-да. Йўқ, мен бугун бозорларимиздаги ёғфурушлар уддабуронлигига эмас, балки, «Нуроний» кичик корхонаси раҳбари Ҳамро Шоюсуповнинг бир «куф-суф» дейиши билан 5 минг килограмм ўсимлик ёғини Термиз тумани «Улгуржи чакана савдо ҳиссадорлик бирлашмаси»га олиб келиб, дўконларда ҳар литрини 200 сўмдан сотирганига ҳайрон қолдим. Очиқроқ айтадиган бўлсам, Ҳамронинг бу «фокус-мокуси» 1997 йилнинг октябр ойларида бўлди. Уша вақтда 1 килограмм ўсимлик ёғининг нархи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 1997 йил 10 октябрдаги 26/28 баённомасига асосан 140 сўм қилиб белгиланганди.

Ахир давлат дўконларида бундай сирли ўйинлар ҳали бўлмаган эди. Аммо Термиз тумани Улгуржи-чакана савдо бирлашмасининг раиси Аллаёр Келдиев, бош ҳисобчи Сафар Шобировлар кўзларини шартта юмиб, 1997 йил 14 октябрь куни, Ҳамро Шоюсупов билан ўзаро келишиб, шартномани имзолайди. Ундаги шартларни кўриб, эсинг кетади. Ҳиссадорлик бирлашмаси дўконларда сотилган ўсимлик ёғидан келадиган пулдан 10000 (ўн минг) сўмни олиб қолиб, қолган 990,0 минг сўмни «Нуроний» кичик корхонасига нақд пул ҳисобидан беришга келишилган. Қизиғи шуки, Ҳ.Шоюсупов ўсимлик ёғини ишонч қоғозисиз 33-нон дўкон мудири А.Маматқориевга 1600 килограмм, 61-сон дўкон мудири А.Имомалиевга 200 килограмм, 14 сон дўкон мудири К.Ёрматовга 120 килограмм, 22-сон дўкон мудири Т.Чўлиевга 203 килограмм, 6-сон дўкон мудири М.Қодировга 2000 килограммдан, жами 4123 килограмм ўсимлик ёғини бўлиб берган.

«Нуроний» кичик корхонаси раҳбари Ҳамро Шоюсупов бу қонунга зид ҳаракатини ўз тушунтириш хатида шундай изоҳлайди:

«Мен, бу ўсимлик ёғини Ўзун туманидан, туманимиз акционерлик тижорат «Пахтабанки»дан аниқроғи 1 миллион сўмни ўтказиб олиб келганман. Сотилган ёғнинг пулидан 1 фоизи туман «УЧХСБ»га «Нуроний» жамғармасига 10 фоиз, банкдан олган қарзим (кредит) учун тўлашим керак. Қолаверса, Термиз «УЧХСБ» дўконларида ўсимлик ёғи 140 сўмдан сотилиши чегаралганлигидан умуман хабарим йўқ. Бу ҳаракатим бундай шовшув бўлишини билганимда савдо бирлашмасига асло топширмас эдим».

Ана шунақа гаплар. Бу «уддабурро тадбиркор»нинг фаолияти тегишли ташкилотлар томонидан ўз баҳосини олади. Унга кўмаклашганлар ҳам ўз тегишини олар.

Рустам ДАВЛАТ,
Журналист.

ФАОЛИЯТНИ ЖОНЛАНТИРИШ ДАРКОР

Қорақалпоғистон республикаси прокуратурасида табиатни муҳофаза қилиш юзасидан Президент И.Каримов фармонлари, ҳукумат қарорларининг бажарилишининг боришига бағишланган мувофиқлаштирувчи Кенгаш мажлиси бўлиб ўтди. Унда табиатни муҳофаза қилиш прокуратураси, ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари иштирок этди. Улар Оролбўйи табиатни муҳофаза қилиш прокурори С.Ўрозовнинг маърузасини муҳокама қилишди.

Мажлисда Хоразм воҳасида Орол денгизи қурий бошлаши оқибатида юзага келган экологик офатнинг олдини олиш, вазиятни яхшилаш бўйича Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ҳаётга тадбиқ қилинаётгани алоҳида таъкидланди. Шу билан бирга ер ва сув ресурсларидан нотўғри фойдаланилаётгани, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига муносабат ёмонлигига эътибор қаратилди. 20 дан ортиқ корхоналар ишлаб чиқаришда талаб ва қоидаларга амал қилмасдан, санитария ҳолатининг ёмонлашувига йўл қўймоқда. «Катекс» ва «Элтекс» тўқимачилик мажмуаларида асосий ишлаб чиқариш корхоналари ҳалига қадар санитария экспертизасидан ўтказилмаган.

Шунингдек, етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари таркибида пестицидлар меъёридан анча ортиқ эканлиги текширувлар чоғида аниқланди.

Қорақалпоғистон республикаси Ўрмон хўжалиги, Табиатни муҳофаза қилиш кўмиталари шу кун талаблари даражасида фаолият кўрсатмаётир.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш мажлиси табиатни муҳофаза қилиш юзасидан ишларни янада жонлантиришга йўналтирилган қарорлар қабул қилди.

Абду РАҲМОН,
«Ишонч» мухбири.

Биз билан ҳуқуқшунос

Саволларга ҳуқуқшунос Ш.Келдиёрова жавоб беради

- Узоқ йиллар кинотехник бўлиб давлатимизга хизмат қилиб келдим. Ҳозир ёшим 58 да. Туман меҳнат биржасидаги ходимларга мурожаат қилдим. Лекин улар соҳам бўйича иш билан таъминламадилар ҳам, пенсияга чиқишимга ҳам рухсат беришмаяпти. Маслаҳатингизга муҳтожман.

Ҳайдар Жўраев,
Зомин тумани
Ғофур Ғулом маҳалласи.

- Сизнинг иш жойингиз қисқартирилган бўлса, иш қидирувчи сифатида туман меҳнат биржасига мурожаат қилиб, рўйхатдан утишингиз лозим. Мабодо, ёшингиз, касбингиз ва малакангизга мувофиқ бўлган иш билан таъминланмасангиз, ҳамда зарур 25 йил иш стажига эга бўлсангиз сиз муддатидан аввал яъни 58 ёшдан пенсияга чиқиш ҳуқуқига эгасиз.

Асос: Узбекистон Республикасининг фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисидаги Қонунининг 14 моддаси.

***

- Қандай ҳолларда муддатли меҳнат шартномалари тузилади?

Гулнора Азимова,
Тошкент шаҳри.

- Узбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 76 моддасига мувофиқ, муддатли меҳнат шартномалари бажарилажак ишнинг хусусиятлари, уни бажариш шартлари ёки ходимнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, номуайян муддатга мўлжалланган меҳнат шартномаларини тузиш мумкин бўлмаган, шунингдек қонунда назарда тутилган ҳолларда тузилади.

***

- Мен 34 йил касалхонанинг руҳий касалликлари кабинетида ҳамшира бўлиб ишладим. Бугунги кунда меҳнат пенсиясидаман. Ёлғиз яшайман. Ҳозиргача туман соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан газ, электр-энергия ва 1 хонали уйим солиғига 50 фоиз ҳақ тўланар эди. Энди бухгалтериядагилар бу пулни тўхтатиб қўйишди. Умуман, имтиёзларим ҳақида тушунча берсангиз.

Моҳинур Айбулатова,
Сирдарё вилояти,
Боёвут қўрғони,
Беруний кўчаси, 5-уй.

- Тиббиёт ходими сифатида пенсияга чиққан фуқароларга нисбатан электр-энергия, газ, сув, исиқлик таъминоти ҳамда квартира тўловлари бўйича имтиёзлар сақланиб қолади. Фикримизча, бухгалтерия томонидан сизга нотўғри жавоб беришган.

***

- Мактабимиз ўқитувчиларига бир йилда бир марта мукофот пули берилади. Бу ҳам бўлса кўп йиллик педагогик стажга эга ўқитувчилар учун бўлиб, 3-4 йил ишлаган ёш мутахассислар бундан маҳрумлар. Аслида мукофот пули нормалари кимлар томонидан белгиланади? Умуман, шу тўғри муносабатми?

Маҳмуд Нурбеков,
Сирдарё вилояти,
Сайхунобод тумани.

- Корхона, ташкилот ва муассасаларда ходимларни мукофотлаш махсус ишлаб чиқилган Низомлар асосида амалга оширилади.

Шунингдек, ходим билан тузилган якка меҳнат шартномаларида мукофотлар масаласи кўзда тутилиши мумкин.

***

- Илмий даражали ва унвонимга (педагогика фанлари номзоди, доцент) қўшимча ҳақ тўлашмаяпти. Нима қилишим керак?

Мустафо Салимов,
Тошкент шаҳри.

- Ушбу масала бўйича ариза билан Тошкент шаҳар халқ таълими ходимлари касаба уюшмаси қўмитасига ёки бевосита туман судига мурожаат қилишингиз мумкин.

***

Турмуш ўртоғим туман кичик автокорхонасида 17 йил ҳайдовчи бўлиб ишлар эди. Яқинда оламдан ўтди. 5 нафар фарзандим бор. Эрим ишлаган корхона касаба уюшма қўмитасининг лоқайдлиги аҳволимизнинг оғирлашувига сабаб бўляпти. Бундан ташқари, бу ташкилот 1994-95 йиллар учун эримнинг ойлик маошларидан 32 дона акция учун маълум даражада пул чегириб қолган. Бу акция бизга нима беради?

Гулсара Қаландарова,
Самарқанд вилояти,
Пахтачи тумани,
Зиёвуддин қўрғони.

- Турмуш ўртоғингиз ишлаган корхона раҳбарияти ва касаба уюшма ташкилоти томонидан вафот этган ходими оиласига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатишлари шарт эди.

Афсуски, эрингизнинг вафоти сабаблари бизга аниқ эмас, балким у касб касаллиги билан боғлиқдир.

Сизга ўзингиз яшаб турган Пахтачи туманидаги меҳнат ва бандлик хизмати бўлимига ёки Самарқанд вилоят касаба уюшмалари кенгашига ариза билан мурожаат қилишингизни тавсия этамиз. Акциялар хусусида эса, Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 30 августда қабул қилинган «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинлигига зид бўлган ҳаракатлар ва қарорлар юзасидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги қонунига биноан сиз суд маҳкамасига ариза билан мурожаат қилишингиз мумкин.

***

- Қандай ҳолларда ишга кираётган ходимлар тиббий кўрикдан ўтказилади?

Баҳодир Акромов,
Фарғона шаҳри.

- Узбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 214-моддасида белгиланганидек, қуйидаги ҳолларда иш берувчи меҳнат шартномасини тузишдан олдин фуқарони тиббий кўрикдан ўтказишни ташкил қилиши шарт:

- ўн саккиз ёшга тўлмаган ўсмирлар:

- олтмиш ёшга тўлган эркаклар, эллик беш ёшга тўлган аёллар:

- ногиронлар:

- Меҳнат шароити ноқулай ишларда, тунги ишларда, транспорт ҳаракати билан боғлиқ ишларда банд бўладиганлар:

- озиқ-овқат саноатида, аҳолига хизмат кўрсатиш, савдо ва умумий овқатланиш соҳасида ишловчилар:

- умумтаълим мактаблари, мактабгача тарбия ва бошқа муассасаларнинг бевосита болаларга таълим ёки тарбия бериши керак бўлган педагог ва бошқа ходимлар.

***

-Мен мактаб директори билан 1.IX- 1996 йилдан - 1.IX-1997 йилгача бир йиллик шартнома бўйича ишладим. 23.VI- 1997 йилдан таътилга, шу билан бирга 7.VII-1997 йилдан имтиёзли пенсияга чиқдим. Социал таъминот бўлимидаги ходимлар шартномангиз вақтинчалик эмас, деб 2 ойга тўлиқ пенсия тўламадилар...

Олимжон Ражаббоев,
Наманган вилояти,
Чортоқ шаҳри.

«Ишловчи пенсионерларга пенсия тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низомга биноан ходимга бир йил давомида иш ҳақи билан 2 ойлик пенсиясини тўлиқ тўланиши белгиланган.

Шу сабабли, Сизга район ижтимоий таъминоти бўлимидан 2 ойлик пенсиянгиз тўлиқ тўланиши лозим.

***

- Туман бирлашган шифохонасига қарашли медпунктда бошлиқ бўлиб ишлайман. 1980 йилдан бери олий тоифали шифокорман. Мустақиллигимизнинг биринчи йилида мустақиллик медали билан тақдирланганман. Ёшим 55 ёшда. Нафақага чиқишим муносабати билан менга қандай имтиёзлар берилиши мумкин?

Қувондиқ Абдиев,
Самарқанд вилояти.

- Қишлоқ жойларида яшаётган ишлаган ва Имтиёзли равишда пенсияга чиққан тиббиёт ходимларига нисбатан айрим имтиёз ва енгилликлар қўлланилади. Масалан, улар белгиланган меъёр бўйича бепул электр-энергия, газ, кўмир билан таъминланадилар, шунингдек, коммунал хизматлар ҳақини тўлашда енгилликлардан фойдаланадилар.

Аммо уларга солиқлар соҳасида имтиёзлар кўзда тутилмаган.

Асос: Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1988 йил 31 октябрдаги 392-қарори.

***

- Мен 1996 йилда БВИХМО институтида амалиётчи-психолог 6 ойлик курсини тугаллаб келдим. 1997 йил январидан мактаб директорлиги вазифасига тайинлашди. Айтингчи, директорлик вазифаси билан биргаликда зарур мутахассис йўқлиги сababли, ҳеч бўлмаса ярим ставка ҳисобида мактаб амалиётчи психологлигини ҳам олиб боришим мумкинми?

Орифжон Воҳидов,
Бухоро вилояти,
Олот тумани
29-мактаб директори.

- Уриндошлик асосида ишга қабул қилиш тўғрисидаги Низомга биноан, мактаб директори бўлиб ишлаш билан бир вақтда, ўқитувчилик вазифасини ҳам бажаришингиз мумкин.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЯНГИЛИКЛАРИ

Тожикистон пойтахти Душанбеда миллий яраш комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда Президент И.Раҳмонов ва муҳолифат раҳбари Саид Абдулло Нурийлар қатнашганлар. Ингилиздда бошқа масалалар қатори Афғонистондаги 500 кишини қайтариш масаласи ҳам кўриб чиқилган. Муҳолифат кучлари матбуот вакилининг сўзларига қарагандa Душанбедаги 460 муҳолифат аскарлари ҳукумат қўшинлари билан қўшилгандан кейин улар ўз Ватанларига қайтишлари мумкин. Ҳукумат уларнинг қайтишларига тайёргарлик кўрмоқда.

***

Тожикистон ҳукумати муҳолифат кучларидан яна ўн олти кишини авф қилди. Уларнинг орасида кўзга кўринган сиёсатчи Давлат Усмон ҳам бор.

***

Ўтган ҳафта Украина Президенти Л.Кучма Туркманистонга ташриф буюрди. Ушбу визитдан мақсад ўтган йилнинг мартидан Украинага етказилиб берилаётган туркман газ масаласини ҳал қилиш эди. Маълумки, Туркманистон газ ҳақи тўланмаганлиги учун бундай чорани қўллаган эди. Украинанинг қарзи 700 миллион доллардан ошиб кетган. Л.Кучма Президент С.Ниёзов билан учрашган. Учрашув натижаси ўлароқ иккала давлат бошлиқлари Россия Президенти Б.Ельцинга махсус нома йўллаб, унда Россияни туркман газини Украинага етказишда қийинчиликлар яратмаслигини сўрагалар. Маълум бўлишича, Россия ҳукумати газ транзити учун юқори нарх белгилаган.

***

Қозоғистон матбуотининг хабарига қараганда республикада терроризм ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш олиб борувчи янги маҳкама тузилган. Ушбу сўнгги ташқи хавф билан биргаликда мамлакат ичкарисидаги хавфга қарши ҳам кураш олиб боради.

ХИТОЙ ЯНГИ АСР АРАФАСИДА

Шу кунларда Хитой халқи миллий «Чунцзе» — янги йил, баҳор байрамини нишонлаяпти.

Ўтган 1997 йили Хитой ислоҳотининг отаси Ден Сяопиннинг вафоти, Гонконгни 1,5 асрлик Буюк Британия мустамлакасидан яна Хитойнинг тасарруфига қайтиши ҳамда Хитой Коммунистик партиясининг навбатдаги 15 съезди жаҳон афкор оммаси диққатини ўзига жалб қилди. Хорижлик сиёсатчилар, кузатувчилар ўзларининг баҳс ва мунозаларида ушбу муҳим уч воқеани Хитойнинг сиёсий ҳаётида ҳайратомуз воқеаларга сабаб бўлади, деб талқин қилишганди. Хитойликлар эса ўзининг «Мушукнинг ранги эмас, муҳими, у сичқон овласин» тамойилига амал қилиб мамлакат иқтисодини такомиллаштириш ва Хитойни қудратли давлатлар сафига қўшиш учун собит қадамлар билан саъйи-ҳаракатларини давом эттирмоқда. 1997 йил ҳам ҳар доимгидек йиллик ўсиш суръати 10 фоизни ташкил қилди. Ғарблик мутахассисларнинг таъкидлашича, иқтисодий юксалиш учун АҚШга зарур бўлган 50 йилни, Япония учун 35 йилни Хитой 15 йилда босиб ўтди. Жаҳон банкининг гувоҳлик беришича 2020 йили Хитой етук иқтисодий давлат сифатида АҚШни ортда қолдиради.

Хитой иқтисодий ислоҳатларни амалга ошираётганига йигирма йил бўлди.

1978 йили Ден Сяопин бошчилигида ҳукуматга келган раҳбарлар Хитой жамиятида серқиррали ислоҳатлар, ташқи дунёга «очиқ эшик»лар сиёсатини эълон қилишди. Дастлаб Хитой коммунистлари жамият тараққиёт босқичини қай тарзда эканлиги аниқлаб олишди. Мамлакат аҳолисининг 80 фоизидан ошиғи қишлоқда истиқомат қилишини ниҳоятта олиб, ислоҳатни қишлоқ хўжалигидан бошлашни қарор қилишди. Барча фойдаланиладиган ерларни деҳқонларга оила пудрати асосида бўлиб берилди. Шу тарзда иш юргизиш деҳқонларни ерга ва ишлаб чиқаришга бўлган муносабатини кучайтирди. Давлат шартнома асосида деҳқонларга аниқ буюртма ва ортиқча махсулотларни ўзлари сотишни таъминлади. Ўз навбатда ҳукумат қишлоқ хўжалиги илмий-техник базаси тараққиёти учун сармоя миқдорини кучайтирди. Натижалар эса кутилгандан юқори бўлди. Дон махсулотлари етиштиришнинг йиллик ўсиш суръати 6 фоизни ташкил қилди. Пахта етиштириш ҳам анча ривожланди.

Ҳозир Хитой дон махсулотлари, ўсимлик мойи, гўшт, тухум каби қишлоқ хўжалиги махсулотларини етиштириш бўйича жаҳонда етакчилик қилмоқда.

Бир вақтнинг ўзида ҳукумат саноатда ҳам ислоҳатларни амалга оширди. Ишлаб чиқаришни кенгайтириш максадида корхоналарга фойдани кўп кисмини олишга рухсат этилди. Ислоҳатлар ривожининг истиқболи ва ташқи алоқаларни кенгайтириш мақсадида 1980 йили Хитойда 5та муҳим иқтисодий район ташкил қилинди. 1984 йили эса Хитой ҳукумати ташқи дунёга юз очиш максадида 14 та денгиз олди шаҳарларида ўзига хос иқтисодий эксперементал лабораториялар яратди. Бу ерларга кириб келган хорижнинг илғор техника, технологиялари ва бошқаришнинг янги тажрибалари обдан ўрганилиб мамлакат ичкарисига жалб қилинди. Саноатда ишлаб чиқаришнинг ўсиши 20 фоизни ташкил қилди. 1979 йилдан то 1996 йилга қадар Хитой чет эллардан 284 млд. АҚШ доллари миқдорида сармоя жалб қилди. Ҳозир Хитойда 270 мингдан зиёд хорижий сармоядорлар билан қурилган қўшма корхоналар фаолият кўрсатмоқда. 1996 йили Ялпи ишлаб чиқариш 1978 йилга қараганда 5,5 баробар ўсди.

Узбекистон ва Хитой давлатларининг ўртасидаги дўстлик, ўзаро тенг ҳамкорликнинг ривожланиши икки қадимий мамлакатнинг тарихий анъаналарига асосланган маданий ва иқтисодий алоқаларига бевосита боғлиқдир. Қадим Европа ва Осиё мамлакатларни боғлаган «Буюк ипак йўли» кўҳна шаҳарларимиздан ўтиб, Турон ва Чин халқлари орасидаги маданий ва савдо алоқалари ривожига ҳисса қўшган.

Узбекистон мустақилликка эришгач, 1992 йилнинг январида Республикамиз билан Хитой Халқ Республикаси ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилди. Ўша йилнинг март ойида Узбекистон Президенти Ислом Каримов ХХРга сафар қилиб, мамлакатимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик пойдеворига тамал тоши қўйилди. 1994 йил апрель ойида ХХР Давлат Кенгаши раиси Ли Пен расмий ташриф билан юртимизда бўлди. Ўша йилнинг октябрида эса Президентимизнинг Хитойга иккинчи расмий сафари амалга ошди. Хитой Халқ Республикасининг раиси Цзян Цземиннинг 1996 йил июль ойида Узбекистонга қилган расмий ташрифи икки мамлакат ўртасидаги дўстона алоқаларни юқори босқичга кутарилишида муҳим омил бўлди.

ХХР раиси Цзян Цземин юртимизга қилган расмий ташриф чоғида Тошкент авиация ишлаб чиқариш давлат ҳиссадорлик жамиятида бўлиб, бу корхонада ишлаб чиқарилаётган янги типдаги самолётлар сифатига юқори баҳо берганди. Кейинги пайтда самолётсозлик соҳасида Хитой Узбекистоннинг ишончли харидорига айланди. Ўтган олти йил мобайнида Тошкент авиация ишлаб чиқариш давлат ҳиссадорлик жамиятида АН-12 ва Ил-76МД русумли 20дан зиёд самолётлар ва эҳтиёт қисмларини хитойлик харидорлар сотиб олди. Шунинг билан бирга, Узбекистоннинг «Ўзхимсаноат» ассоциациясининг корхоналарида ишлаб чиқарилаётган минерал ўғитларга Хитой қишлоқ хўжалигида эҳтиёж катта. Булардан ташқари, Хитой Узбекистондан жун, рангли металл пахта, пластмасса маҳсулотлари сотиб олаётган бўлса, ўз навбатида Хитойдан юртимизга озиқ-овқат маҳсулотлари, халқ истеъмол моллари, чинни ва радиотехника эҳтиёт қисмлари келтирилмоқда.

Ўзаро иқтисодий-савдо алоқалар хажмининг кенгайиши натижасида 1996 йили мамлакатлараро маҳсулот айрибошлаш 180 млн. АҚШ долларини ташкил қилган бўлса, 1997 йили бу рақам 200 млн. доллардан ошди. Бу курсаттич салмогининг ортишида юртимизда ташкил қилинган узбек-хитой қўшма корхоналарнинг ҳиссаси катта. Ҳозир Узбекистонда 80дан зиёд мана шундай корхоналар фаолият курсатмоқда. Кўп йиллардан бери пойтахтимизда иш олиб бораётган «Ташинтрем», «Сувжиҳозгаз», «Зафар» қўшма корхоналари ўз махсулотлари билан Узбекистон бозорини бойитиш билан бирга, хорижда ҳам ўз мижозларига эга. Жиззах вилоятида хитойлик ишбилармонлар билан полиэтилен қоплар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Давлатлараро шаклланаётган иқтисодий муносабатларни янада қарор топишида «Буюк ипак йўли»ни қайта тиклаш катта аҳамиятга эга эканлиги икки давлат раҳбарларининг музокараларида ўз тасдиғини топди. Ҳозирги кунда Андижон-Ўш-Қашқар темир йўли қурилиши ва автомобил йўлини қайта қурилиши бўйича олиб борилаётган лойиҳалаштириш ишлари ота-боболаримиз асос солган «Ипак йўли»ни қайта тиклашнинг амалий исботидир. Ўтган йилнинг апрель ойида Тошкентда мазкур йўналишнинг қурилиши масалаларига бағишланган ҳалқаро кенгаш бўлиб ўтди. 18 мамлакат ҳамда 10 та ҳалқаро ташкилот ва молиявий институтлар вакиллари иштирок этган ушбу анжуманда Андижон-Ўш-Қашқар йўналиши бўйича транспорт алоқаси тармоқларини вужудга келтириш билан боғлиқ масалалар кенг муҳокама қилинганди. Дарҳақиқат, Мағриб билан Машриқни бир-бири билан боғловчи қўприкни барпо килиниши, Узбекистонни Хитой Осиё мамлакатлари билан иқтисодий алоқаларини кенгайтиришга имкон яратса, ўз навбатида Хитойни Европа ҳамжамиятига интеграциялашуви жараёнини жадаллаштиради.

Единнизда бўлса, 1997 йили сентябрь ойида Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан Тошкентда «Марказий Осиёни ядро қуролидан ҳоли ҳудуд» номли халқаро конференция бўлиб ўтганди. Хитой ҳукумати юртбошимиз илгари сурган ғояни биринчилардан бўлиб қўллаб-қувватлади. Чунки, «Буюк ипак йўли» чорраҳаларини осуда бўлиши хитойликлар учун фойдадан ҳоли эмас албатта, қолаверса Хитой ташқи сиёсатининг устивор йўналиши Узбекистон сингари давлатлар билан дўстона ва тенг ҳуқуқли алоқаларни ривожлантиришдан иборатдир.

Узбекистон ва Хитой Халқ Республикаси ўртасида иқтисодий алоқалар равнақ топиши билан бир қаторда икки мамлакат халқлари ўртасида маданий-маърифий соҳаларда ҳамкорлик алоқалар кулами ҳам кенг тус олмоқда.

Бу албатта икки мамлакат халқларининг урф-одатларидаги умумий уйғунликка ҳам боғлиқдир.

Уч йил муқаддам Тошкент вилояти билан Хитойнинг Шанси вилояти ҳамда Навоий-Чжучжоу шаҳарлари биродарлашиб халқ дипломатиясига ҳам кенг йўллар очилди. Ҳозир мазкур вилоят ва шаҳарлар орасида делегация алмашиш муваффақиятли олиб борилмоқда. Куни кеча Узбекистон Президенти Ислом Каримовнинг «Узбекистон XXI аср бусағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китоби Хитойнинг «Халқаро маданият» Давлат нашриёти томонидан босмалан чиқарилди. Бу эса Хитой халқини истиқлол туфайли Узбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар, демократик давлат барпо этиш борасида юз берастган тарихий ўзгаришлар билан яқинроқ таништиришда муҳим аҳамият касб этади.

Қ. Каримбеков, сиёсий шарҳловчи.
Ш. Фазлиддинов, хитойшунос.

Спорт • Спорт • Спорт •

НАГАНО ОЛИМПИДАЧИЛАРНИ КУТМОҚДА

Қишки олимпиада йилнинг сўнгги ҳафтаси ҳам ортда қолмоқда. XVIII қишки олимпиада ўйинлари 7 февраль куни Японияниг «Нагано» шаҳрида старт олади. Олимпидага халқаро олимпия қўмитаси аъзоси бўлган 83 та мамлакатнинг 3 мингдан зиёд энг кучли спортчилари 15 та тур бўйича баҳс юритишади. Ҳатто жазирама Африканинг қоқ ўртасида жойлашган Тринидад ва Табаго давлати вакиллари ҳам қишки ўйинларда баҳслашиш ниятларини билдиришди.

Беллашувлар Нагано марказидан 7 км узоқликда ва денгиз сатҳидан 354 метр баландликда жойлашган ва бутунлай янгича, узгача услубда барпо этилган Олимпия қишлогида бўлиб ўтади.

Ўйлаймизки, манзараси гўзал, сокин ва осуда, атрофи шафтолизор ва олмазор боғлар билан ураланган табиатнинг ушбу жозибадор маскани барча меҳмонларда катта таассурот қолдирса керак.

Нагано олимпиадаси ташкилий қўмитаси олимпия алангасини келтириш учун 564 нафар югурувчиларни саралаб олганди. Грециядаги мангу Олимп гулханидан ёқиб олинган машъала эстафетали тарзда 6 январда Япония диёрига етиб келди. Югурувчилар узунлиги 1100 кмга тенг тоғлар оралигидан машъалани олиб утишади. 6 февралгача эстафетачилар бутун Японияни кезиб чиқишади ва Олимпия қишлоғидан 3,6 км жанубий шарқда салобат тукиб турган Олимпия стадионига етиб келишади. Ўйинларнинг очилиши ва ёпилиши маросими ана шу ерда утказилади.

Нагано шаҳри архитектурасидан узининг такрорланмас куринишлари билан жой олган «Большая шляпа» хоккей саройида «М—Уэй», «Уай -Тринк» каби замонавий спорт иншоотларида конькида учиш, шорт-трек ва хоккей мусобақалари бўлади. Наганонинг жанубий шарқида жойлашган Каруизава шаҳарчаси ҳалқаро ёзги дам олиш шаҳри сифатида машҳур. Бу ерда ҳар йили дунёнинг турли бурчакларидан 7 миллиондан зиёд саёҳатчи дам олиб кетади. Каруизавада, ёдингизда бўлса, 1964 йили ёзги олимпиаданинг чавандозлик беллашувлари бўлиб утганди. Навбатдаги ўйинлар дастуридаги кўрлинг баҳслари ана шу гўзал шаҳарчага белгиланган.

Трамплиндан сакраш мардлик ва жасурликни талаб қилувчи спортдир. Тоғ чанги спорти, трамплиндан сакраш, чанғи пойгаси ва чанги иккикураши мусобақалари баландлиги 300 метрли япон Алп тоғлари этагида жойлашган Хакуба қишлоғида бўлиб ўтади. Қиш мавсумида қор сероб бўлиши туфайли Хакубага бир мавсумда 3 миллионга яқин чанғичи машғулот утказиш учун келади. Манзарасига эса гап йўқ, денгиз сатҳидан 700 метр баландда.

Денгиздан 1300-2300 метр баландда жойлашган Шига Коген шаҳри қишда чанғичиларнинг энг яхши дам олиш масканига айланади. Қор баракали ёққани учун 22 жойда чанғи спорти билан шуғулланиш мумкин. Хига Шидати тоғлари слалом мусобақалари учун жуда қулай. Нагано ташқарисидаги Скона ва Иизуна тоғлари ён бағрида, Иизуна Коген шаҳарчасида «Спираль» деб номланувчи трасса узининг бой табиати билан нафақат қишки, балки ёзги спорт турларига қулайлиги билан ҳам ажралиб туради. Ёзда бу ер теннис, гольф, американча футбол усталарининг маконидир. Иизуна Когенда бобслей, фристайл, чана спорти беллашувлари утади. Жаҳон спортчилари бу трассани 1996 йил мартидаёқ синаб куришганди. Назава Онсон курорти Японияниг энг юқори даражадаги чанги курортидир. Манзараси жуда гўзал, айниқса, қор тушганда. Узининг гўзал қорликлари билан машҳур бўлган 'Назава Онсонда биатлончилар беллашадилар.

Хоккей стадиони — «Большая шляпа» ёнида матбуот маркази, ҳалқаро телевизион марказ /Ай-Би-Си/ бутун дунё бўйича ҳалқаро телеалоқаларига хизмат қилади. Олимпиада беллашувларини ёритиб бориш учун дунёнинг 55 телерадиокомпаниясидан 4 минтга яқин журналист келиши кўзда тутилмоқда.

Албатта, муҳлисларимизни Японияга борувчи узбекистонлик спортчилар қизиқтириши, табиий. Нагано беллашувлари фристалчиларимиз Лена Черязова, Сергей Бренер, музда нафис учувчилар Татьяна Малинина, Роман Скорнянков, тоғ чанги спорти турида қатнашувчи Комил Уринбоевларни илҳақ кутмоқда. Уларга мураббийлардан Евгений Рохин, Дмитрий Ковунов, Вячеслав Стенин, Узбекистон Миллий Олимпия Қумитаси бош котиби Алишер Каримовлар бошчилик қилишади. Делегация раҳбари Республика МОҚ Президенти Собир Рўзиев.

Шубҳасиз, дунё кучлилар ўртасида бўладиган бу баҳслар муросасиз ва кескин курашлар остида кечади. Ҳамюртларимиз ҳам хорижий мамлакатларда ўтказилган турли нуфузли мусобақаларда қатнашиб, ўз имкониятларини яна бир марта имтиҳон қилишди. Фристайлчиларимиз Лена Черязова ва Сергей Бренер Австралиянинг Ноттеф шаҳрида бўлиб ўтган турнирда иштирок этиб, муваффақиятга эришди. Лена жаҳон кубогининг Монт-Трембланд /Канада/, Лейк Плесид /АҚШ/, Блекк-Комб /Канада/да бўлиб ўтган 3 та босқичда қатнашди. Музда нафис учувчиларимиз эса Хорватияда утказилган «Олтин Пируэт» баҳсларида қатнашишди. Шуниси қувончилики, қитъамизнинг энг кучли спортчиси Татьяна Малинина барча машқларни аълога уддалаб, турнирнинг биринчи ўрин соҳибаси бўлди. Яна бир юртдошимиз Роман Скорняков ҳам муваффақиятли қатнашиб, олтинчи ўрин билан кифояланди. Улар олимпиада олдидан Россиянинг Первоуралск шаҳрида машғулотлар утказишди. Тоғ чанги спортчимиз Комил Уринбоев ҳам Жанубий Кореяда «Осиё кубоги» баҳсларида иштирок этиб келди. Эронда «Дезен кубоги» олтин медали соҳиби бўлди.

Маълумки, бундан 4 йил аввал Лилли Хаммерда утказилган Олимпиада беллашувларида фристайлчимиз Лена Черязова муваффақиятли қатнашиб, илк бора Қишки Олипиадада Узбекистон медаллар шодасига биринчи олтин медални келтирган эди.

Гарчи, биз серқуёш ўлкада яшасакда, қишки спорт ўйинлари бўйича утказилган бир қатор нуфузли мусобақаларда аллақачон ўз сузимизни, Узбекистонни танишиб улгурганмиз. Ишончимиз комилки, Япония музликларида ҳам бизнинг ғалабаларимизни кўз-кўз қилувчи қуёш жилваси нур сочгай, тўрт йил аввал Лена Черязова қўлга киритган ғалаба терма жамоамиз аъзоларига ёр бўлиб, бу сафар ҳам юртимизга ёруг юз билан қайтадилар. / Узбекистон спортчилари бугун Нагано шаҳрига жўнаб кетишади/.

Наргиза ЮСУПОВА

Ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги олдидан

КОИНОТ СИРЛАРИ МАФТУНИ

Янги эра бошларидаги асрларда фан ғоялари жонланиб куртаклана бошлади, яна Шарқ ва Ўрта Осиё мамлакатларида намоён бўла бошлади. Фаннинг баъзи соҳаларида эса ривожланиш даврига нисбатан юқорироқ босқичларга кўтарилди. Бу ўлкалардаги халқ ижодкорлари ажойиб маънавият, маданият ва илмий ёдгорликлар элементларини ярата бошладилар. Жумладан, Фарғона ўлкаси ўзига хос маданиятга эга бўлди ва унинг тараққиёти ривож топган шаҳарлардан бирига айланди. Ўйғониш даврида бу ўлкаларда ички сиёсий курашлар авж ола бошлаган. Жумладан, Фарғона ҳам ўз бошидан иқтисодий қийинчиликларни ўтказа бошлади. Содир бўлган қийинчиликларга қарамасдан, ундаги Аксикент, Ўргент, Ўш ва Кубо (Кува) каби шаҳарлар Фарғонада кенг танилган. Ўша даврнинг етук олимлари ва донишмандлари ҳам айнан шу шаҳарларда йиғилиб ижод этганлар.

Ал-Фарғоний туғилган ва вафот қилган йиллари ҳозиргача қатъий аниқланмаган. Лекин ал-Фарғоний ҳақида Ўзбекистон Республикаси ва ҳамдўстлик мамлакатлари матбуотларининг баъзиларида ёзилишича, тахминан 787-йилда туғилган ва тахминан 868-йилда (Қоҳира шаҳрида) вафот этган, деган фикрларни тахмин қилиб айтиш мумкин. «Мулоқот» журналида (6-сон, 1997 й) кўрсатилишича Аҳмад Ал-Фарғоний тахминан (797-868 йй) яшаб ижод этган дейилган. Унинг тўла номи Абдул-Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад бин Қодир ал-фарғоний бўлиб деҳқон оиласида туғилган, бунда «Абу» арабча сўз бўлиб «отаси» маъносини, «ибн» - «ўғил» маъносини билдиради.

Аҳмад ал-фарғоний ёшлигида маҳалла масжидида таълим олган. Зеҳни ўткирлиги билан у таълим бераётганларни ҳайратга солиб турган.

Ал-Фарғоний табиий фанларга доир китобларни мустақил ўқиб бориши, бошқа тилларда ёзилган китобларни ўқишга руҳлантирди. Бу эса баъзи бир хорижий тилларни чуқур ўрганишга зарурат туғдирди. Чунки у хорижий тилларда кўп ва мукаммал асарлар борлигига олдиндан ишонч ҳосил қилган эди. Шундан бўлса керак, ал-Фарғоний араб ва форс тилларини мустақил ўрганишга алоҳида эътибор берди ва уларни чуқурроқ ўрганди. У 20 ёшига қадар Фарғонанинг маданий шаҳарларидан бири ҳисобланган Кубо (Кува)да яшаб унда илм ўрганиб, олим бўлишга интилди. Фаннинг маълум соҳаси бўйича мустақил илмий изланишда бўлиш учун, илм маскани ҳисобланган марказий шаҳарлардан бирига боришга ахд қилди. У айниқса кутубхоналардаги араб тилида ёзилган китобларнинг асл нусҳалари билан танишмоқчи бўлган эди.

Бағдод шаҳрига етиб боргунга қадар бир йилдан ортиқроқ вақти Басрада, Хоронеда сарф бўлган. Бу шаҳарларда математика ва астрономия фанлари билан кўпроқ шуғулланган. У философияни ўрганиб, грек тилини ўрганишга алоҳида эътибор берди ва грек алломаларининг асарларини таржима қилишга киришди. Осмоний жисмларни кузатиш бўйича алоҳида дафтар очиб, унда фикр-мулоҳазаларини ёзиб борди.

Ал-Фарғоний 815 йилда 7 қисмдан иборат бўлган биринчи китобини ёзиб, уни ал-Хоразмийга кўрсатди. Ал-Хоразмий китобни очиб унинг баъзи жойларини қўздан кечирган. Унда яққол тасвирланган тригонометрик ҳисоблашларни, астрономик чизмаларни, ўлчов аппаратлари чизмаларини ва бошқа тасвирларни чиройли қилиб чизганлигини кўриб, у билан келажакда ҳамкорликда ишлашни маслаҳат берган. Бу олимнинг ал-Фарғонийга билдирган катта ишончи эди. Шунинг учун ҳам бу учрашув ал-Фарғонийга фан соҳасида янада қунт билан ишлашга катта руҳий мадад кўрсатган.

Бағдод шаҳри ҳам илм ва маданият марказига айлангани ҳақида бир-икки оғиз фикр юритишни маъқул кўрдик. Бу шаҳар ўрта асрларда «маданият ассалом» («Тинчлик шаҳри») деб аталган. У 762 йилда қурила бошланган. Халифаликнинг куч-қудратига ва бойлиги ҳисобига 4 йилда қуриб битказилган. Шундан сўнг Бағдод шаҳри халифалик томонидан мусулмон дунёсининг пойтахти деб эълон қилинган. Юнон ва бошқа кўҳна тилларда ёзилган илмий асарларга айниқса, уларнинг таржимасига қизиқиш халифа ар-Рашид (786-809 йй) ва унинг ўғли ал-Маъмун (813-833 йй.) халифалиги даврида кучая бошлади.

Хорун ар-Рашид «Ҳикмат ал-ҳикма» («Билим уйи»ни) қурдирган. «Билим уйи» таржимон ва олимларнинг асосий ишлари жойини ташкил қилган. Унинг қошида кўҳна қўлёзмалар тўпланган катта китобхона ташкил қилинган.

Аҳмад ал-Фарғоний геодезия, гидрология, стреография, тригонометрия ва бош фан шохобчаларининг асосни ўрганиб шу соҳалар бўйича муҳим илмий натижаларни қўлга киритган.

Ал-Фарғоний ал-Хоразмий маслаҳати билан ёш илм соҳибларини тўплаб, Дамашқ яқинидаги тепаликка, обсерватория биносини қурдириб, сунгра унда бажариладиган ишларни бошқарди.

Ал-Фарғоний ўз даврида астрономия илми билан бир қаторда астрология («Планеталарнинг ҳукми ҳақида фан») билан ҳам шуғулланди. Шунингдек «Жавони илм ин-нужум ва ҳаракат ас-самовий» асарида осмон, юлдузларнинг ҳаракати ва юлдузлар туркумлари ҳақида умумий маълумотларни берган. Голланд арабшуноси ва математиги Якоб Галиус 1669 йилда Амстердамда мазкур китобни араб ва лотин тилларида нашр эттириб Алфреанус номини бутун дунёга танитишга катта ҳисса қўшган.

Бурчакларни ўлчашда, ўлчов бирлиги сифатида градус катталиги, ал-Фарғоний ҳисоблаш маълумотлари бўйича тарқалган деган фикрлар мавжуд. Чунки бу ҳисоблаш натижалари Птолемей ғояларига зид бўлган. Колумб бошда бу янги ҳисоблаш услубига кўника олмаган. Шунинг учун у ал-Фарғоний қўлёзмаларининг асл нусҳаларини топишга ҳаракат қилган. Колумб қийинчилик билан ал-Фарғоний назарияларига асосан ер айланасининг узунлигини аниқлайди.

Аҳмад ал-Фарғоний «Фалақиёт илми асослари ҳақида китоб» асаридан ташқари қуйидаги рисолаларни ёзган; 1. «Геометрия ва ҳисоб ёрдамида шимолий ва жанубий астурлобни мукаммал ясаш санъати ҳақида»; 2. «Астурлобдан фойдаланиш ҳақида китоб»; 3. «Ал-Фарғоний жадвали»; 4. «Ойнинг ер устида ёки унинг остида бўлиш вақтларини аниқлаш ҳақида рисола»; 5. «Етти иқлимни ҳисоблаш ҳақида»; 6. «Қуёш соатини ясаш ҳақида китоб»; 7. Ал-Хоразмий «Зиж»ининг назарий қарашларини асослаш». Юқорида илова қилинган китоблар руйхати ал-фарғоний етук олим бўлиши билан бирга у моҳир асбобсоз (муҳандис) бўлган.

Ал-Фарғоний раҳбарлигида тузилган коинот ва ердаги манзиллар тасвирланган ҳарита «Зижи ал-Маъмун» номи билан тарих саҳифаларидан ўрин олган. Бунда қадимий қўлёзмалар чуқур ўрганилиб таҳлил қилинган, таржима қилинган ва улардаги баъзи ҳисоблашларга аниқликлар киритилган. Жумладан, Клавдий Птолемейнинг (милоднинг 90-168 йй.) «Синтаксис магеста» асари чуқур ўрганилган. Олим Птолемей «Жадвалидан» анчагина ноаниқликлар, чалкашиклар, хатолар борлигини аниқлаган. У биринчи марта араб тилида Птолемей таълимоти бўйича ёзган асарида «Астрономия» фанини системалаштирган.

Ал-Фарғоний астрономик асарларида географияга доир қисмлар анчагина, уларда иқлимлар ва мамлакатлар ҳудудлари жойлашган ўринлари тасвирланган.

Ал-Фарғоний Птолемейнинг астрономияга доир «Алмагист» асарига шарҳлар ва иловалар ёзгани, ўз асарларида ислом календарининг тузилишини таърифлагани, қуёш соатини ясаш усулини баён қилгани маълум.

Ал-Фарғоний мазкур ишлари «Самовий жисмлар ҳаракати ва юлдузлар фанининг мажмуаси ҳақидаги китоби», «Астрономия элементлари» номли китоблари билан бутун дунёда кенг танилган. Бу китобини Кремонелик Герардо (XII асрда) лотин тилида ўгириб, олим номини бутун Оврупода танитган. Бу китоб XIII асрда Оврупонинг бошқа тилларида ҳам таржима қилиниб, асосий дарслик сифатида 16 асргача фойдаланиб келинган.

Ал-Фарғоний илмий талантини тарғиб қилишда Оврупонинг йирик олимлари унинг илмий фаолияти ҳақида маълумотлар ўқиганлар. Хусусан машҳур астроном ва математик региоментон (1436-1473 йй) 1464 йилда Падуяда (Италия) ал-Фарғоний ҳаёти ва астрономик фаолияти ҳақида маърузалар ўқиган. Ал-Фарғоний ва унинг ўша даврда араб тилида асар ёзган ватандошлари иждодига баҳо бермай туриб, ўрта аср фани ва маданиятини ўрганиш, уни талқин қилиш анча мушкул. Шу сабабли Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ЮНЕСКО бўлими қарорига биноан, 1998 йил Ал-Фарғонийнинг 1200 йиллик юбилейи деб эълон қилинганидан сўнггина, бу олим ҳақида ватанимиз зиёлилари ўйлай бошладилар ва у кишининг юбилейини 1998 йил октябрь ойида нишонлашга ахд қилиб, катта тайёргарлик ишлари олиб бормоқдалар. У кишининг ватандоши фарғоналик ҳайкалтарош Анварҳон Абдуғаниев ал-Фарғонийнинг қиёфасини тиклаб, унинг бюстини тайёрлади. Фарғона ва Қўқон шаҳарларида кўпгина кўчалар, мактаблар, боғлар... олим номига қўйилди. Бундан ташқари, бир гуруҳ экспедиция аъзолари Миср араб мамлакатида (Қоҳира шаҳрида) дафн этилган Аҳмад ал-Фарғоний қабристонида бўлиб, у жойни зиёрат этиб қайтдилар. Аммо унинг жасади кўмилган қабристонда олим ҳақида ҳеч қандай белгилар ва аниқроқ маълумотлар ёзиб қолдирилмаган. У жойлар қаровсиз ҳолга ташлаб қўйилган экан. Экспедиция аъзолари ул зотнинг ётган жойидан бирозгина тупроқдан олиб қайтдилар. Келтирилган тупроқни Фарғонада ал-Фарғоний номига бағишлаб қурилаётган катта бинонинг алоҳида белгиланган жойига қабр ўрнатиб, унинг ичига шу тупроқни қўйиш мўлжалланган.

Улуғ олим, ватандошимиз Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг жаҳон миқёсида нишонланиши, бу албатта, миллатимиз, халқимизнинг маданий ва маънавий меросини юксалтириш, қадриятларимизга бўлган эътиборнинг самарасидир.

Ё.САИДОВ,
Бухоро туманидаги 30-ўрта мактабнинг математика ўқитувчиси.

Хумор...

«ТЎППОНЧА» ИШ БЕРДИ

Қозонлик иккита бешинчи синф ўқувчиларини олов отадиган ўйинчоқ фалокатдан асраб қолди. Лижада учиш бўйича мусобақада қатнашган бу ўқувчилар тўғри йўлдан юрмай, ҳийла ишлатиб қисқа йўл билан ўрмонни ичидан кесиб чиқишмоқчи бўлишди. Йўлда улар бури тўдасига дуч келишди. Болалар ўзларини йўқотмадилар. Улардан бири чўнтагидаги қизларни қўрқитиш учун олиб юрган вишиллаб олов чиқарадиган ўйинчоқ тўппонча олиб буриларга ўқталди. Олов ва тутун ҳидига бурилар дош бера олмай, қайтиб кетдилар. Болалар финишга энг охирги спортчи бўлиб келган бўлсалар ҳам, қаҳрамон бўлишди.

Узбекистон Республикаси озиқ-овқат саноати илмий-техника жамиятининг думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

БЕХОСИЯТ ТОШ

Ҳар тўғрида

Вашингтондаги миллий тарих музейида яна машҳур қимматбаҳо тош-тиниқ ферузе рангли 45,52 карат оғирликдаги «Ҳоуп» («Умид») қўйилди.

Аввал у олд томони ута қаттиқ ойнали девор сейфда сақланар ва фақат бир тарафдан кўринар эди. Энди эса у ҳудди ана шунақа ойнадан тайёрланган куб ичига жойлаштирилди ва залнинг ўртасига қўйилди. Томошабинлар қизиқиши ортишига сабаб жавоҳирнинг қаерда турганлиги эмас, балки унинг сирли ўтмишида: кимки шу тошга эгалик қилган бўлса, у одам кўп ҳолларда фожеали улим топган.

Франциз заргари Таверье бу қимматбаҳо тошни 1642 йили Ҳиндистондан олиб келиб (у вақтда ишлов берилмаган тошнинг вазни 112,2 карат эди) Людовик XIVга сотади. Шоҳни ёввойи ит қопади. Шу баҳона бўлиб у ҳаётдан кўз юмади. Кейинчалик ишлов берилиб 67,5 каратга келтирилган, бу тош Людовик XVIга ўтади. У бу тошни унча ҳуш кўрмаган. Бироқ малика Мария Антуанетта жуда қадрлайди. Иккаласи ҳам гильотинада (улим жазосига ҳукм қилинганларнинг бошини кесадиган машина) ўлдирилдилар.

Машҳур заргар Картье бриллиантга яна ишлов бериб америкалик миллионер аёл Эведин Уолшга тақдим этади. Кўп ўтмай бу аёлнинг 9 яшар ўғли уйидан қочиб машинанинг тагига тушиб халок булади. Унинг чўнтагидан машҳур тош «Хоуп» чиқади. Эвелиннинг қизи ҳам кўп дозада уйқу дори ичиб ўлади. Бир йил ўтгач Уолшнинг ўзи ҳам вафот қилган. Шундан кейин марказий разведка бюросининг директори Гувер ойланинг илтимосига кўра бу бахтсизлик келтирувчи тошни сейфига солиб қўйди. Орадан бир йил ўтгач у заргар Уинстон қўлига ўтди ва заргар бу жавоҳирни табиат музейига топширди. Бу тошнинг ҳозирги бахоси 200 млн доллارга тенг бўлиб, бу одам бир қўлида тутиб турса бўладиган дунёдаги энг қиммат буюмдир.

ТАШКИЛОТЛАР, ФИРМАЛАР РАҲБАРЛАРИ ВА ХУСУСИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

"Исттаъмир" \Ремтеплосеть\ давлат корхонаси Тошкент шаҳри ва Тошкент шаҳрига яқин жойлашган, Тошкент вилояти туманлари ҳудудида барча диаметрдаги эски иссиқлик тармоқларини янгилайди, янги шаҳобчаларни қуради. Шунингдек, қозонхоналарни монтаж қилади ва таъмирлайди. Барча зарур материаллар корхонада бор.Буюртмачиларнинг материаллари асосида ҳам иш олиб борилади.

Манзилимиз: Тошкент-100, Бобур кўчаси,53.